Демократлашаётган жамиятда СУД ҲОКИМИЯТИ ва МАТБУОТ ВАКИЛЛАРИ тил топишиб кета олармикан?..

2-бетда

2000 йил 26 сентябрь куни осмондан тушадиган тош Ерни мувозанатдан чиқара оладими?..

3-бетда

Бошқотирмага боплаб жавоб қайтарадиган газетхон қанча?

4-бетда

ТАНЛОВ ЯКУНЛАНДИ

Республика Олий хўжалик суди ва Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамкорликда "Ҳуқуқ ва бурч" танловини эълон қилган эди. Ўтган ҳафтада ғалвир сувдан кўтарилди - танловга тақдим этилган қўплаб ижодий ишлар тўғрисида ҳакамлар ҳайъати ўзларининг якуний хулосаларини билдирди. Унга кўра қуйидаги журналист ва таҳририятлар диплом ва пул мукофотлари билан тақдирландилар.

1 - даражали диплом билан:

Нурбек Тошниёз - "Ўзбекистон овози" газетаси бўлим мудири,
"Ўзбекистон овози" газетаси,
"Голос Узбекистана" газетаси,
"Сиёсат" бош муҳарририяти (ЎзТВ),
"Иқтисодиёт" бош муҳарририяти (ЎзТВ),
"Ахборот" кўрсатуви (ЎзТВ),
"Қашқадарё" газетаси,
"Адолат нури" газетаси,
"Ватан" газетаси,
"Адолат" газетаси,
"Халқ сўзи" газетаси,
"Қалб кўзи" газетаси,

2 - даражали диплом билан:

Карим Баҳриев - "Хўжалик ва ҳуқуқ" журнали,
Муаттар Асқарова - ЎзТВ,
Мурод Қалонхонов - "Адолат" газетаси,
Турсунбой Ботирбеков - ЎзА мухбири,

3 - даражали диплом билан:

Вячеслав Драчев - "Голос Узбекистана" газетаси,
Анвар Оқназаров - ЎзТВ,
Гулчеҳра Раззоқова - ЎзТВ,
Навбаҳор Мамажонова - ЎзТВ,
Исмат Худоёров - "Халқ сўзи" газетаси,
Мирза Турсунов - Қашқадарё вилояти хўжалик суди,
Мавжуда Ражабова - Бухоро вилояти хўжалик суди.

Ғолибларни яна бир карра қутлаймиз! Ҳалолингиз бўлсин.

МУСТАҚИЛ ГАЗЕТА

ҲУРРИЯТ

1996 йил декабрдан чиқа бошлаган

Чоршанба кунлари чиқади | 1999 йил 31 март - 6 апрель | 13 (115)-сон

МАҚСАД МУШТАРАК

Хабар қилинганидек, 24 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди биносида "Суд ҳокимияти ва матбуот эркинлиги" мавзуида семинар-машғулот бўлиб ўтди.

Республика Олий хўжалик Суди ва Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси ҳамкорликда ташкил этган мазкур семинар-машғулотда Олий хўжалик суди, Олий Суд, Конституциявий Суд раҳбар ходимлари, судьялар, прокуратура ходимлари, Адлия вазирлиги бошқарма бошлиқлари, ҳуқуқшунослар, республика Оммавий ахборот воситалари раҳбарлари, ҳуқуқий мавзуда қалам тебратаётган фаол журналистлар иштирок этдилар.

Йиғилишни Олий хўжалик суди Раиси Мирзоулуғбек Абдусаломов олиб борди.

Бўлиб ўтган семинарда суд ҳокимиятининг дахлсизлиги, қонун устиворлигига эришишда оммавий ахборот воситаларининг роли ва аҳамияти хусусида қатор таклифлар ўртага ташланди, қизиқарли ва баъзан бир-бирига зид фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти девони бош консультанти, таниқли журналист Сафар Остонов, МДЖ ҳамраиси, "Ҳуррият" газетаси Бош муҳаррири Хуршид Дўстмуҳаммад, ЎзТВ етакчи журналистларидан Муаттар Асқарова, "Ватан" газетаси Бош муҳаррири Ҳабибулла Олимжонов, Тошкент шаҳар Миробод тумани суди раиси вазифасини бажарувчи Ёқутхон Ҳайдарова, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Суди раиси ўринбосари Бахтиёр Мирбобоев, МДЖ ҳамраиси, ЎзТВ "Маънавият" бош муҳарририяти Бош муҳаррири Аҳмад Аъзам, "Ўзбекистон овози" газетаси бўлим мудири Нурбек Тошниёз, "Қалб кўзи" газетаси Бош муҳаррири Ҳожиакбар Шайхов ва бошқалар суд ҳокимиятининг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ўрни, жамиятда ҳуқуқий тарбиянинг қарор топиши ва бунда суд ҳокимияти ва ОАВ ҳамкорлигининг самаралари, қонунларни ҳаётга татбиқ этиш борасидаги мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

Шубҳасиз, мазкур анжуман бугунги ижтимоий ҳаётимизда, айниқса ҳуқуқшунос ва журналистлар учун катта аҳамият касб этади.

Семинар-машғулот ниҳоясида ўтган йили Ўзбекистон Олий Хўжалик суди ва МДЖ ҳамкорлигида эълон қилинган "Ҳуқуқ ва бурч" танлови ғолибларига диплом ва пул мукофотлари топширилди.

Семинар-машғулотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Нарзулла Жўраев қатнашди.

(Семинар-машғулот ҳақидаги батафсил ахборот билан газетамизнинг 2-саҳифасида танишасиз).

ҲАМКОРЛИКНИНГ АМАЛИЙ САМАРАСИ

Мирзоулуғбек АБДУСАЛОМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий хўжалик суди Раиси

Матбуотни эҳтиром билан "тўртинчи ҳокимият" дейдилар. Гарчанд ҳокимият расман учга тақсимланса-да, биз матбуотнинг ўзига хос ҳокимият эканлигига шубҳа қилмаймиз. Қолаверса, бинонинг тўрт девори, дунёнинг тўрт томони, йилнинг тўрт фасли бўлгани каби, матбуот мамлакатимизда барпо этилаётган ҳуқуқий демократик жамиятнинг тўртинчи устуни ўлароқ, жамиятимизнинг фаровонлиги ва барқарорлигига хизмат қилади.

Юртбошимиз И.Каримовнинг қуйидаги сўзлари мамлакатимизда матбуотга берилаётган эътиборнинг исботидир: **"Матбуот, ахборот воситалари демократик ривожланиш учун улкан аҳамиятга эга... Матбуот аҳолида янгича тафаккур ва онгни шакллантиришда таъсирчан қурол бўлиши, кишилар фикри ва хоҳиш-иродасининг эркин, аммо холис ифодачиси, айтиш мумкинки, инсон манфаатларининг изчил ва фаол ҳимоячиси бўлиши керак".**

Шунингдек, инсон ҳуқуқларининг ҳимояси судларнинг ҳам бош вазифасидир. Шу ўринда яна Президентимизнинг фикрларидан келтирсак: **"Суд ислоҳотини чуқурлаштириш, ҳокимиятнинг учинчи, мустақил ва қарам бўлмаган тармоғи сифатида бутун одил судлов тизимини демократлаштириш — ҳуқуқий давлатни мустаҳкамлашнинг муҳим йўналишидир".**

Шу нуқтаи назардан қараганда, матбуотчилар ҳам, суд ҳокимияти вакиллари ҳам бир қутлуғ ишни — истиқлолга эришган юртимизда фаровон фуқаролик жамияти бунёд этишни амалга оширмоқдамиз. Шунинг учун ҳамкорлик қилишимиз, бир-биримизга елкама-елка ишлашимиз табиийдир.

Мамлакатимизда судларга ҳам, оммавий ахборот воситаларига ҳам катта эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти бу икки соҳага ҳам жиддий эътибор бериб, қатор Фармонлар чиқарганлар, парламентимиз қонунлар мажмуини қабул қилмоқда. Энди бу эътиборга лойиқ фидокорлик ва масъулият сиз ва биздан талаб қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди суд ҳокимияти ва матбуот ҳамкорлиги масаласига жиддий эътибор қилмоқда ва бу жараёндан умидли самаралар кутмоқда.

Ёдингизда бор, ўтган йили ҳам биз судьялар ва журналистларнинг ҳамкорлик анжуманини ўтказган эдик. Шундан сўнг "Иқтисод ва ҳуқуқ" ўқув марказимизда журналистларнинг хўжалик ҳуқуқи соҳасида ўқувини ташкил қилдик ва унда бир қатор журналист дўстларимиз ўз ҳуқуқий билимларини оширдилар. Матбуотнинг соҳамизга доир чиқишларига ўз вақтида эътибор қилишга ҳаракат қилиб бордик. Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси билан ҳамкорликда хўжалик судлари фаолиятини ва иқтисодий ҳуқуқлар соҳасини холис ва малакали ёритган оммавий ахборот ва журналистлар учун танлов эълон қилдик.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, ҳамкорлигимиз нафақат бир-биримизга хуш ёқувчи истак ва тилаклар билдириладиган, балки ишчан ва самарали натижалар берувчи омилларга таянмоғимиз керак. Шундай экан, бу борадаги айрим мулоҳазаларимизни айтиб ўтмоқчиман.

Кейинги пайтларда бир қатор оммавий ахборот воситаларида хўжалик судлари фаолиятига доир мақолалар чоп этилмоқда. Уларда хўжалик судлари амалга ошираётган ишлар тилга олинади, мустақиллик шарофати билан пайдо бўлган бу иқтисодий суднинг оёққа туриб, ўз тизимини мустаҳкамлаётгани эътироф этилади, мавжуд камчиликлар ҳам холис танқид қилинади. Бу — табиийдир.

Шу билан бирга, айрим мақолаларда бирёқламалик, малакасизлик, ҳуқуқий билимнинг етишмаслиги, энг ёмони, бир томонга қилинган "ҳимоячилик" кўзга ташланмоқда.

Нуфузли газеталаримиздан бирида ёзилган бир мақолада муаллиф бир судья чиқарган қарорнинг иккинчи судья томонидан қисман ўзгартирилгани фактидан шундай ғалати хулосалар чиқарадики, ўқиб ҳайратланасиз: у қонун битта бўлса, наҳотки, икки судья уни икки хил талқин қилса, адолат қани, деб аюҳаннос кўтаради. Ҳолбуки, озроқ ҳуқуқий саводи бор одам шуни биладики, суд тизимида ишлар кўрилишининг бир неча поғонаси бор — иш аввал биринчи инстанцияда кўрилади, агар қарор устидан шикоят келтирилса, аппеляция инстанциясида кўрилади, бу қарор устидан ҳам шикоят қилинса, кассация тартибида кўрилади... Бундай тартиб судлар учун эмас, айнан адолат талабларидан келиб чиқиб жорий этилгандир. Судлар учун, бундоқ қараганда, бир марта ҳукм чиқариб, шунга оёқ тираб туриб олиш осонроқдир. Суд қарорида ҳам хато бўлиши мумкинлиги, қарор одамларнинг тақдири, ҳақ-ҳуқуқлари, эркига боғлиқлигидан келиб чиқиб, қонун юқоридаги тартибни ўрнатган, яъни район суди устидан — вилоят суди, вилоят суди устидан — республика суди назорат тартибида иш кўради. Ноҳақ ҳукм бўлса — бекор қилинади, камчилиги бўлса тузатилади, ўзгартирилади. Бу табиийдир, адолат талабидир. Журналист биродаримиз бу тартибни билиш учун қонунларимиздан хабардор бўлиши кифоядир.

Мулоҳаза

Хатолар судлар фаолиятида ҳам, матбуот фаолиятида ҳам учраётгани сир эмас. Юқорида айтиб ўтганимиздек, бу икки соҳа ҳам мустақиллик шарофати билан эркинликка чиққандир. Янги ишда камчиликлар бўлиши табиийдир.

Судьяларимизнинг деярли барчаси бу соҳага умумий судлардан, прокуратура идораларидан, ҳатто юридик институтдан, университетдан кейин судьяликка тайинланганлар. Назариётда ишлаш бошқа — амалиётда ишлаш бошқа, ҳали уларнинг малакаси аста-секин чархланиб боради. Судлар ҳал қилаётган низолар, ишлар сони эса тинимсиз ошмоқда. Албатта, бу сабабларнинг бари хўжалик судидан масъулиятни олмайди. Хатоларга йўл қўйилмаслиги керак. Ва биз камчиликларнинг табиий мавжудлигини айтаётганда, мавжуд камчиликлардан кўз юмилиши, улар матбуотда ёритилмаслиги керак демоқчи эмасмиз. Аксинча, биз бу соҳада ошкоралик бўлишидан манфаатдормиз. Чунки касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади, дейдилар. Дард даволангани дурустдир.

Биз фақат бу камчиликлар ҳақида ёзилаётганда, ишнинг манфаатлари кўзлаб, ҳуқуқий саводхонлик билан ёзилиши тарафдоримиз.

Суд ҳокимияти бугун аввалги собиқ совет суд тизимидан фарқли ўлароқ, сиёсий тизим манфаатларини эмас, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга йўналтирилгандир. Умумий судлар фуқаровий, жиноий ва маъмурий ҳуқуққа асосланадилар. Хўжалик судлари эса иқтисод соҳасидаги низоларни ҳал этар экан, инсонларнинг иқтисодий-ижтимоий ҳуқуқларини ҳимоя қиладилар. Бу билан хўжалик судлари сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий барқарорликдан манфаатдор бўлган мулкдорлар синфининг юзага келиши ва қаддини тиклашига хизмат қиладилар, жамият фаровонлигига ҳаётбахш таъсир кўрсатадилар.

Президентимиз демократик жамиятда яшайдиган ҳар бир фуқарода ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият бўлиши керэклигини доимо таъкидлайдилар. Журналистлар нафақат ўзлари ҳуқуқий саводга эга бўлишлари лозим, уларга бутун жамиятимиз аъзоларига, олис қишлоқ ва овуллардаги ҳамюртларимизгача ҳуқуқий билим бериш вазифаси юклатилмоқда. Ҳар бир инсон ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини билиши, уларни ҳимоя қилиши ва уларга риоя қилиши демократик келажагимиз учун муҳимдир.

Ҳали ҳаммамиз 16 февраль воқеалари даҳшатлари таъсиридамиз. Бу террористик разолатнинг остида аслида жаҳолат ётганини инкор этолмаймиз. Онгсизлик, ҳуқуқий билимсизлик, маданиятсизлик оқибатида юз бермадими бу воқеалар?! Разолатнинг "буюртмачи"лари сиёсий экстремистлар бўлса, унинг "ижрочи"лари ҳали гўр, билимсиз болалар эди-ку.

Кўрлик, гумроҳликнинг асоси ҳуқуқий онгсизликдир. Онги шаклланган одам Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришга бош қўшадими?! Ҳуқуқий билимни ошириш эса биринчи галда матбуотнинг зиммасидаги вазифа экани шубҳасиздир.

Албатта, суд ҳокимияти ҳам танқиддан холи жой эмас. Суд ҳокимияти сафида ҳам ҳали саводсиз, ўз манфаатини ўйловчи, мансаб ортидан қувувчилар учраб туради. Бундай фактлар танқидга лойиқдир. Аммо оммавий ахборот воситаларидаги танқид холис ва асосли бўлмоғи керак.

Суд ҳокимиятининг обрў-эътибори баланд бўлишидан нафақат судлар, балки жамиятнинг ўзи ҳам манфаатдордир. Суд ҳокимияти - адолат тарозиси саналар экан, унинг одиллиги халқ тақдири учун, мамлакатимизнинг демократик келажаги учун, шу жумладан, журналист биродарларимиз учун ҳам керакдир.

Гоҳо журналист биродарларимиз мақолаларида бирёқламалик кўзга ташланади - улар ўзлари ҳимоя қилаётган одам ёки хўжалик юритувчи субъект фойдасига ҳукм чиқишини астойдил истайдилар. Ҳолбуки, судда иштирок этган иккинчи томон ҳам одил судловдан умидворлар, судлар учун икки томон қонун олдида баробардир.

Маълумки, судда икки томон - даъвогар ва жавобгар судлашади. Табиийки, уларнинг иккиси ҳам бирдай ҳақ бўлолмайди. Бир тараф албатта норози бўлади, қарабсизки, норози томон газета ва журналларнинг таҳририятига ҳам арз қилиб боради. Шикоятчининг арзини дарҳол мақола қилишдан тийилиш лозим. Ундан кўра, аввал судга келиб, суд қарори қонуний кучга кирган низоли иш ҳужжатлари билан танишиб, Кодекс ва қонунларни варақлаб, кейин мақола қилинса, ушбу мақоланинг савияси юқорироқ, асосли ва таъсири кучлироқ бўлади.

Шу ўринда Абу Исо Термизий китобидан бир Ҳадисни келтиришни ўринли деб биламиз: "Абдурраҳмон ибн Абу Бакра шундай ривоят қилди: **"Менинг отам қозилик вазифасида турган даврида Убайдулло ибн Абу Бакрага ёзди, ғазабли ҳолатингда икки одам ўртасида ҳукм чиқарма, чунки мен Расулуллоҳ (саллоллоҳу алайҳи вассаллам) дан: "Ҳоким бўлган киши ғазабли ҳолатида икки инсон ўртасида ҳукм чиқармасин", деганларини эшитдим".** Халқимизда: "Жаҳл келса, ақл кетар", деган ҳикмат бор. Судья ҳам қарор чиқараётганда эҳтиросга берилмаслиги лозим.

Мен барчангизнинг масъулиятли ишларингизда муваффақиятлар тилайман.

"ИСТИҚЛОЛ"ДА ФУТБОЛ БАЙРАМИ

Хабар

Ўтган жума куни Собир Раҳимов тумани "Истиқлол" командаси стадиони ҳам одамларга тўлиб кетди. У ердаги 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган томошабинларни узоқроқдан кўрган киши "Нега "Истиқлол"нинг бугун ўйини бўлатуриб ҳеч кимга эълон қилмади экан?" деб ранжиши табиий.

Бироқ бу куни майдонда "Истиқлол" эмас, шаҳар спартакиадасида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритиш учун С.Раҳимов тумани мактаблари ўртасида футбол бўйича финал боскич бўлиб ўтди. Спартакиадага даъвогар бўлган 243-`ва 340-мактабнинг юқори синф ўқувчилари ўртасида ўтказилган ўйин 243-мактаб фойдасига 3:1 ҳисобида ҳал бўлди. Ушбу мактаб ўтган йили ҳам туманда биринчиликни қўлга киритиб, шаҳар боскичида фахрли учинчи ўринни олган эди. 8 апрелдан бошланадиган шаҳар спартакиадасида қандай натижа кўрсатар экан, ҳозирча номаълум. Лекин, улар келгуси йили ҳам шоҳсўпани бўшатмасалар туман халқ таълими томонидан ҳар йилги мусобақаларда 3 бора кетма-кет ғолиб чиққан командага бериладиган қимматбаҳо ютуқни қўлга киритишлари аниқ.

Айниқса, 6 ёшли боғча болалари ўртасида бўлган финал ўйинларида эса 248-боғчанинг "Бўғирсоқ" ҳамда 569-боғчанинг "Жибилажибон" командалари ўзаро куч синашди. Беллашувда 4:0 ҳисобида ғолиб чиққан "Бўғирсоқ" командаси махсус соврин билан тақдирланди. Бу команданинг ўйинчилари ҳам команда номига ўхшаб бақувватлигини кўрган томошабинлар унинг ғолиб чиқишини олдиндан башорат қилиб қўйишганди.

1996 йил Вазирлар Маҳкамасининг "Республикада футболни ривожлантириш тўғрисида"ги қарори чиққандан сўнг туман ҳокимияти ҳам спортнинг бу турига алоҳида эътибор бера бошлади. Ҳар хафтанинг пайшанба куни футбол куни деб эълон қилинди.

Туманда жойлашган 16-спорт мактаби мунтазам равишда "Истиқлол" командасига янги ўйинчилар етказиб беради. Машҳур футболчи Акапяньс ҳам, Россия терма жамоаси ўйинчиси Валерий Кечиновлар ҳам айнан шу спорт мактабидан футбол оламига қадам қўйишган экан. Туман халқ таълими оталиққа олган ушбу спорт мактабининг қўлга киритган ютуқлари талайгина.

Юқорида санаб ўтилган барча ишларнинг бошида туман халқ таълими бўлими туриши бизни беҳад қувонтирди. Унинг чексиз ёрдами туфайли тумандаги ҳамма мактаблар энг замонавий спорт жиҳозлари, кийим-кечаклари билан тўла-тўкис таъминланган.

"Баҳор келиши билан турли спорт ўйинлари бўйича туман биринчилигини ўтказамиз. Айниқса миллий спорт ўйинлари кенг йўлга қўйилган. Футболга келсак, ҳар йили туман ҳокимияти кубогини ўтказишни йўлга қўйганмиз. Бу мусобақаларда туман халқ таълими ходимларидан иборат терма жамоамиз доимо яхши натижалар кўрсатиб келяпти",- дейди биз билан суҳбатда туман халқ таълими бўлими мудири Абдулла Раҳматуллаев.

АНТИҚА ЭҲТИМОЛ

Муҳтарам муштарий, қуйида келтирилган сатрлар қайси даврда ва қайси матбуот нашрида чоп этилган?

Ўқияпмиз

Наврўз куни барча қишлоқ аҳли дала бошига келиб: "Ерга **қуёш** чиқди" - маросимини ўтказишган. Шу куни қайвони хотинлар пиширган бўғирсоқ мойига хўкиз шохлари мойланиб, ер ҳайдаш бошланган.

* * *

Ўтган йилдаги ютуқлар сарҳисоби хусусида тўхталганда **зафар шоҳсупасига** биринчилар қаторида етиб келган туманларнинг **азамат пиллакорлари** шаънига илиқ гаплар айтиш ўринли бўлади.

* * *

Оила йилида фермер аъзолари режадаги 208 тонна ўрнига 240 тонна сут етиштиргандилар. ... Жўжаларнинг **кўпчилик қисми** ўсиб улғайди, олди тухумга кирди. Товуқбоқар **О.Низомов она товуқларга тухум бостириб,** паррандалар сонини 2 ҳиссага оширмоқчи.

Туманда етти хазинанинг бири, паррандачилик изга тушиб, ривожланиб бораётир. Ўтган йили паррандабоқарлар 189600 дона тухум етиштирдилар. Бу халқ ғамини кўраётган саховатпеша инсонларнинг дастлабки ютуғи.

* * *

Вилоятда ғаллачиликда илғорлар қаторидан ўрин олган эканмиз, **шуҳратни қўлдан бермай янги марралар сари** ҳаракат қилаверамиз.

* * *

Баъзи боқибеғам раҳбарлар ишдан четлатилиб, деҳқоннинг косасини оқартириш тадбирлари кўрилмоқда. Кейинги пайтда бунинг таъсири сезилмоқда.

* * *

Маълумки, **бўлиқ майсалар** мўл ҳосилга заминни айни дамларда **ҳозирлайди.** Қор-ёмғирдан ўзига зарур озуқаларни олади. Ижарачилар назоратчи гуруҳлар билан ҳамкорликда экин майдонларининг пайҳон қилинишига йўл қўймаслик учун **хушёрлик билан қўриқлашяпти.**

* * *

Жорий йилда ўтган йилги **камчиликлардан тегишли хулосалар чиқарилиб,** юқори ҳосил олишга ҳозирдан бошлаб замин яратиш керэклиги таъкидлаб ўтилди. Фермадаги моллар маҳсулдорлигини ошириш **муҳим вазифа қилиб қўйилди.**

Топганларга топа олмаганлар номидан ҳам миннатдорчилик билдирамиз.

МУСТАҚИЛ ЮРТГА ШОҲОНА КУТУБХОНАЛАР ЯРАШАДИ

Бозор, гузар қуришга киришиб кетган ҳоким боболар ўртасида шоҳона кутубхоналар қуриш мусобақаси бошланиб кетса-я?!

Ўқидим

Тўғриси, "Ҳуррият"нинг 20 март сонида эълон қилинган "Китоб ўқийсизми?" сарлавҳали мақолани мириқиб ўқидим. Ниҳоятда долзарб ва муҳим мавзу! Нусрат Раҳматга ташаккур! Ҳар қалай тажрибали журналист-да, ўзича микротадқиқот ўтказибди, кузатишлар олиб борибди ва уларнинг маҳсули ўлароқ мақола ёзибди. Умуман, мамлакатимиздаги китоб савдоси, китоб дўконлари, китоб тарғиботи масалалари тубдан ўзгартирилишга ва жиддий эътиборга муҳтож. Китобхонлик маданияти эса матбуотнинг доимий мавзусига айланмоғи керак.

Шу ўринда, айримларга эриш туюлса-да, бир таклифни ўртага ташламоқчи эдим: ҳозирги қийин шароитда барча муаммони давлат зиммасига ағдаравермасдан, ўзимиз киришсак бўлади-ку. Яъни, кейинги пайтда бозорларга кириш пуллик бўлди, мамлакат миқёсида озмунча бозор борми, лоақал катта бозорларни ҳисобга олайлик. Мана шу бозорларга кириш учун тўланаётган 10-15 сўм пулнинг 10 сўмидан бир сўми кутубхона жамғармасига ўтказилсин. Бозорларда патта учун олинаётган таги-тугигаю ҳисобига етиб бўлмайдиган пулларнинг 5-10 фоизи жамғарилиб, ҳар бир туманда биттадан замонавий шоҳона кутубхона, қироатхона қурилсин. Бундан ким ютади? Ким манфаат кўради?..

Бундай саволларнинг жавоби ҳар қандай соғлом фикрли кишига кундек равшан ҳақиқат деб ўйлайман.

ГАЗЕТХОН

ПУЛ ЎРНИГА... ОЛТИНГУГУРТ

Ҳиссадорлар дивидентлар у ёқда турсин, октябрь, ноябрь маошлари ўрнига ҳам вино... олишга мажбур бўлишди

Онда-сонда

Фарғона вилоят маҳаллий саноат концернига қарашли Ўзбекистон туманидаги Шўрсув тоғ кимё ишлаб чиқариш ҳиссадорлар бирлашмаси 1993 йили ёпиқ турдаги ҳиссадорлар жамиятига айлантирилган. Ўша пайтдаги низомга кўра, ҳиссадорлар ўз дивидентларини ҳар 3 ойда олишлари керак эди. Олдинги раис бўшатилиб, ўрнига туман ҳокимияти томонидан Аъзамжон Абдураҳмонов (гарчи бирлашма ҳиссадори бўлмаса-да!) бирлашма бошқарувига келтирилди. Янги раис ҳиссадорлик жамияти низомига ўзгартириш киритиб, дивидентларни йилда бир марта оладиган тартибни жорий қилди. Жамиятда 600 ишчи бўлиб, шулардан 420 нафари бирлашма акцияларига эга эдилар. Ҳиссадор бўлиш яхши, аммо қачонки, ўз қонуний ҳиссалари — дивидентларни олсаларгина...

Пул йўқлиги баҳона қилиниб, 1996 йилнинг дивидентлари олтингугурт билан тўланди. Ўтган 1998 йилнинг 30 декабрида жамиятнинг назорат раиси А.Қорабоевнинг олдига кириб, бир йил аввалги — 1997 йилнинг дивидентини олиш учун келганлигимни айтдим. Қорабоев эса бирлашма ҳисоб рақамида пул йўқлигини рўкач қилиб, "ариза ёзиб, ўрнига олтингугурт олишинг мумкин", деди. Килосини 10 сўмдан беришармиш. Бозорда 8 сўм, ёз ойларига бориб, 15-20 сўмга чиқармиш, сотиб пул қилиб олишим мумкинлигини маслаҳат берди.

Ҳиссадорлар дивидентлар у ёқда турсин, октябрь, ноябрь (1998 йилнинг бўлса керак — **таҳр.**) учун ойлик маошлари ўрнига ҳам вино ва ойна олишга мажбур бўлишди. Ҳолбуки, бирлашмада бундай маҳсулотлар ишлаб чиқарилмайди. Бирлашманинг ҳисоб рақамида пул бўлмаса, бу маҳсулотларни биров текинга бермагандир. Бундан ташқари йиллик режани 15 декабрга қолмай бажариб қўяётган бирлашма учун "ҳисоб рақамида пул бўлмаслик" ибораси ўринлими?..

Айрим раҳбарларнинг лоқайдлиги, ишчилар меҳнатига эътиборсиз қараш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватламаслик оқибатида бирлашма жамоасининг ярми ҳам қолгани йўқ. Жумладан, мен ҳам 1997 йилнинг март ойларида ишдан бўшаганман.

Гарчи ишни тарк этган бўлсам-да, мени бир савол қийнайди: наҳотки, бу ишларни назорат қиладиган мутасаддилар бўлмаса?

Абдуқаҳҳор ҒОФУРОВ

Фарғона вилояти

СУД ҲОКИМИЯТИ ВА МАТБУОТ: ҲАМКОРЛИК ИСТАБ...

Нарзулла ЖЎРАЕВ:

Фикрий танбаллик инсон ўз қадр-қимматини англашига тўсқинлик қилади. Фуқаролик жамиятида оммавий ахборот воситаларининг роли ҳар қачонгидан ортади. Баъзан шундай ҳам бўладики, ҳатто матбуот ходими бўла туриб фуқаролик жамиятига тайёр эмаслигимиз сезилиб қолади. Воқеа-ҳодисаларни ўн йил бурунги ифодалар билан айтамиз. Ваҳоланки, янгиланаётган жамиятга яраша бугуннинг янги сўзини, ифодасини топмоғимиз керак. Билимимиз етарлидир, лекин сўзимиз, ифодамиз эскича бўлгани учун кишилар ва кенг омма кўнглига кутилган даражада кириб бора олмаётирмиз. Ҳуқуқий тарбия, ҳуқуқий маданиятнинг ошиши энг аввало икки соҳа кишилари зиммасига - ҳуқуқ эгалари ва матбуот вакиллари зиммасига тушади. Шу нуқтаи назардан ҳуқуқшунослар билан журналистлар ёнма-ён ўтириб бамаслаҳат иш кўриши жуда мақбул ишдир. Айни мақсад йўлида бирлашиш ижобий ҳодисадир.

Бу мисолни аввал ҳам ёзган эдик, мавриди келди, яна келтирамиз: журналист ва судьяни дарёнинг икки қирғоғига ўхшатишадики, асло бирлашиши мумкинмас, агар бирлашса дарё суви қуриб қолади. Шу боис ўртада кўприк бўлгани маъқул, негаки, суд ва матбуот қариндош соҳа, бу икки соҳада бир ниятли касб соҳиблари хизмат қиладилар. Шу маънода бундан роппа-роса бир йил муқаддам Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди ташаббуси билан суд ҳокимияти ва матбуот ҳамкорлиги бўйича биринчи амалий учрашув ўтказилган эди. Ва бу илк учрашув яхши анъанага туртки бўлди: Олий хўжалик судида журналистларнинг махсус ўқув курси ташкил этилди. Бунинг ижобий натижаси ўлароқ, суд ва матбуот ўртасидаги мавжуд айрим тушунмовчиликларга маълум маънода чек қўйилди, матбуотда тез-тез кўриниб турган "бир томонга оғиб" ёзилган мақолалар сони камайди.

Яширмайлик, илк анжуман ўтказилгандан сўнг айрим доира одамларида шундай фикр пайдо бўлдики: энди матбуотда судлар ҳақида танқидий мақола чиқмайди, судьялар танқид тиғига учрамаслик учун ҳам матбуотчиларни ҳамкорликка чақирмоқда, ана, танлов ҳам эълон қилиб қўйишди, унда танқидий мақолаларни тақдим этган журналистга ўрин берилмайди ва ҳоказо... Ўтган бир йил бу каби маҳобатлар асоссиз эканини исботлади: танқидий мақолалар сони ва салмоғи ортса ортдики, асло камайгани йўқ, ўзининг долзарб мавзуда ёзган танқидий мақолалари учун бир қанча ҳамкасбимиз "Ҳуқуқ ва бурч" танлови ғолиби бўлганига бугун барчамиз гувоҳмиз. Ҳамкорликдан асосий мақсад - келишувчанлик, муросасозлик эмас, олдимизга ҳаёт кўндаланг қўяётган муаммоларнинг ечимини биргаликда топишдир. Мана бир мисол: бугун фуқароларнинг ҳуқуқий онгини шакллантиришдек вазифа Давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Бу вазифа ҳуқуқшунослар билан бир қаторда журналистлар гарданига ҳам улкан масъулият юклайди. Шундай экан, Олий хўжалик суди раиси М.Абдусаломов яхши фикр айтди, биз бир-биримизга ёпиқ эшиклар орқали муносабат қилмаслигимиз керак. Биз қандайдир бирорта ишнинг тафсилотини баён этиш йўлидан эмас, балки, қонунни тарғиб этиш, уни оммалаштиришнинг самарали усулларини топиш йўлидан борганимиз маъқул. Қонуннинг мураккаб тилини энг оддий фуқаролар тушунадиган ҳолда оммалаштирмоғимиз лозим.

Маълумки, хўжалик судлари - ҳуқуқий соҳадаги янги тизим. Бу иқтисодий суднинг фаолият йўналиши, унга оид қонун ва меъёрий ҳужжатлар ҳақида аксарият фуқаролар яхши билиши тугул, ҳатто муайян тасаввурга ҳам эга эмас. Шундай экан, бу борадаги ишларни амалга оширишда хўжалик судлари матбуотга таяниши табиий ҳолдир. Ва бу нафақат хўжалик суди мутасаддилари, балки матбуотчиларнинг ҳам биринчи галдаги вазифасидир.

Айтиш жоизки, бўлиб ўтган семинар-машғулот фақат хўжалик суди фаолияти ва унинг матбуотда ёритилиши доирасидагина бўлиб қолгани йўқ. Жиноий ва фуқаролик ишлари бўйича муаммолар, ариза-шикоятлар кўплиги учунми, гап кўпроқ умумий судлар, маъмурий идоралар теварагида айланди. Жиноий иш материаллари матбуотда ёритилиши ҳақида гап кетганда журналистлар шаънига кўпроқ эътирозлар билдирилди. Таниқли журналист Сафар Остонов ҳуқуқий мавзудаги мақолалар, суд очерклари жиноят тафсилотидангина иборат бўлиб қолаётганини афсус ила таъкидлаб ўтди. Баъзан "журналист текшириши" асосан адвокат қўлидаги маълумотлар, ҳужжатлар асосидагина ёзилгани сезилиб қолмоқда. Муаллифнинг аниқ позицияси йўқ, бинобарин, муаммонинг келиб чиқиш илдизига назар солиш, таҳлил ҳақида гапириш ортиқчадир.

Нотиқнинг гапини инкор этиш қийин. Бор гап. Аммо масаланинг иккинчи томонига ҳам аҳамият берсак, бор айбни журналистнинг гарданига юклаб қўйиш тўғри бўлмайди. "Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунда журналистга давлат сири ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни истисно этганда ҳар қандай ҳужжат ва материаллар билан танишиш, шунингдек, очиқ суд мажлисларида иштирок этиш ҳуқуқи берилган. Аммо амалда бу ҳуқуқдан етарлича фойдаланишнинг имкони йўқ. Очиқ судда иштирок этиш учун процессга раислик қилувчи судьянинг талаби бўйича суд раисидан рухсат олишингиз керак?! Юқоридаги қонун моддасини пеш қилсангиз, аксарият ҳолларда судья билан журналист ўртасида даҳанаки жанг келиб чиқади. Оқибатда, ўша кунга мўлжалланган суд мажлиси бошқа кунга қолиб кетиши ҳеч гапмас. Ёки бирорта жиноий иш материаллари билан танишмоқчи бўлсангиз - албатта расмий хат орқали рухсат (?!) сўрашингиз керак. Хатингизга жавоб келгунча бир-икки ой вақт ўтади, рухсат бериш-берилмаслик - даргумон. Кунига таҳририятга ўнлаб шикоятлар келади, уларнинг аксарияти - маъмурий идоралар устидан. Битта жиноят ишини ўрганиш учун сўраб-суриштириш, ўнлаб одамлар билан суҳбатлашиш, чиройли қилиб қоғозга тушириш бир азоб бўлса, суд раисидан жиноят иши билан танишишга рухсат олишга икки-уч ойлаб вақт сарфлаш яна бир азоб! Ахир суд раиси сўровингиздан сўнг дарҳол қўлингизга "дело"ни тутқазиб қўймаслиги нодонга ҳам аён-ку?

Сафар ОСТОНОВ:

Ҳуқуқ мавзуидаги мақолалар суд очеркларидан, жиноятлар тафсилотидан иборат бўлиб қолмоқда. Тафсилотга берилиш кучли. Жиноятнинг илдизига кириб бориш, унинг келиб чиқиш сабабларини излаш сезилмайди. Яна бир камчилик ҳуқуқ-тартибот соҳа раҳбарларининг чиқишлари қуруқ ҳисоботдан иборат бўлиб қолаётганида кўринади. Бундай "ҳисобот"ни ўқиган шу соҳа кишилари ундан ҳеч бир ибрат бўларли фазилат топмайди. Мақола муаллифининг аниқ нуқтаи назари, позицияси муқим бўлиши керак албатта, бироқ у журналист сифатида кимнингдир устидан ҳукм оҳангида ёзиши, хулоса чиқариши унчалик тўғри эмас. Баъзан журналистнинг текшириши асосан адвокат қўлидаги маълумотлар, ҳужжатлар асосида ёзилгани сезилиб қолади. Ваҳоланки, ҳар бир жиноят иши билан боғлиқ яна бир талай ҳужжатлар борки, уларни изчил ва чуқур ўрганмай туриб юқори савиядаги мақолани ёзиш, ундан амалий натижа кутиш тўғри эмас.

Муаттар АСҚАРОВА:

Томошабин телевидениега жуда ишонади. Экрандан айтилган гапни мутлақ ҳақиқат сифатида қабул қилади. Шунинг учун ҳам экрандан ҳар бир сўзни ўта ҳушёрлик билан айтишга тўғри келади. Ҳуқуқ тарғиботини экран имкониятларидан келиб чиққан ҳолда кенг йўлга қўйиш даврнинг энг долзарб талабларидан десак муболаға бўлмайди. Баъзан битта танқидий чиқишни тайёрлагунча мухбир ўз ёгига минг бор қовурилади, орага тушувчилар кўпаяди, бемалол ишлашга халал беришади. Биз раҳбарларнинг танқидга муносабатини тарбияламоғимиз керак. Фуқаролардан олинган шикоятлар Олий судга жўнатилса, уларга баъзан пўписа ва таҳдидларга тўла ғалати жавоблар оламиз.

116 таси бевосита маъмурий идора ходимлари устидан ёзилган. Жорий йилнинг биринчи чораги ҳали тугамади, лекин редакцияга келган 209 та хатнинг 100 га яқини суд, прокуратура идораларига тааллуқли.

Хўш, фуқаро нега таҳририятга шикоят йўллайди?

Бу саволга қуйидаги фактлар жавоб бўлса керак: маълумотларга қараганда, 1998 йилда 36 нафар судья вазифасига нолойиқ деб топилган, 111 нафарига малака ҳайъати томонидан турли интизомий чоралар кўрилган, 2 нафар судья пора олаётганда қўлга тушган...

Бир сўз билан айтганда, ўтган йилнинг ўзида туман, шаҳар ва вилоят судида ишлаётган жами 710 нафар судьянинг 149 нафарига жиддий чоралар қўлланган. Келинг, энди тилга олинган рақамларни таҳлил этишга уринайлик:

Агар битта судьяга "ҳайфсан" беришга унинг иккита ёки учта бекор қилинган ҳукми асос бўлса (тағинам билмадик), 111 нафар "ҳайфсан" олган судьялар имзолаган қарорлардан неча юзлаб одамлар жафо чекканини тасаввур қилиш қийин эмас. 36 нафар судья вазифасидан озод этилди, дедик. Бундай ўз ишига нолойиқ судьялар дастидан қанча инсонларнинг ҳуқуқи поймол этилганини ўзингиз ҳисоблаб чиқаверинг! Тўғри, тан оламиз, судьянинг вазифаси журналистникидан мураккаб бўлса мураккабки, асло осонмас. Аммо шунга қарамай бугун "ўз хоҳишига кўра вазифасидан озод этилган" судьяни топиш амри маҳоллигини назарда тутсак, масалага бир қадар ойдинлик киритилади... Аммо бундай судьялар устидан ҳукм-хулоса чиқаришдан аввал уларнинг МУСТАҚИЛлиги хусусида ҳам жиддий ўйлаб кўриш керак. Шу ўринда таниқли журналист ва ҳуқуқшунос Ҳабибулла Олимжоновнинг фикри диққатга моликдир: бизда судлар "учинчи ҳокимият" бўлгани билан нечанчи ҳокимиятлиги номаълум прокуратуранинг қаршисида оёғи қалтираши ҳаммамизга маълум. Ишонмасангиз, хоҳлаган туман суди раисининг қабулига киринг-да, аниқ бир жиноят иши юзасидан суҳбатлашаётиб, "прокурорни чақиринг" деб кўринг, суд раиси сизга касалга қарагандек қарайди. Хоҳлаган туман судининг раиси эса трубкадан прокурорнинг чақирувини эшитиши билан ҳар қандай зарур ишини ташлаб унинг қабулига югуриб боради. Шундай экан, прокурор ташаббуси билан ҳибсга олинган фуқарони "айби тасдиқланмади" деб суд оқлаб юбориши ақлга сиғмайдиган ҳолат. Бизда судлар фаолиятида оқлов ҳукмларининг йўқ даражада камлиги ҳам худди шу ҳолатлар билан боғлиқ воқеликдир. Демоқчимизки, судларни амалда мустақил қилиш учун, хусусан прокурор қаршисида мустақил қилиш учун ҳали бироз ислоҳотлар қилишга тўғри келади...

Миробод тумани суди раиси Ёқутхон Ҳайдарова баъзи газеталарда шошма-шошарлик билан эълон қилинаётган мақолалар, уларда фуқаронинг шаъни, қадр-қимматини пастга уриш ҳоллари учраб тургани хусусида куйиб-пишиб гапирди. Дарҳақиқат, судья опанинг гапида жон бор. Негаки, кимлигидан қатъий назар журналист фуқаронинг шаъни, қадр-қимматини ҳурмат қилмоғи шарт ва бу қонунда ҳам белгилаб қўйилган. Тан олиш керак, эҳтиросларга тўла мақолалар учраб турибди. Ҳатто суд ҳукми чиққандан сўнг бирорта ҳуқуқшунос "соавтор"-лигида ёзилган тафсилотмақолаларда маҳкумнинг содир этган жинояти аёвсиз фош қилиниши баробарида унинг шаъни ҳам оёқости қилинадики, уни ўқиган онгли фуқаронинг маҳкумга эмас... журналистга нафрати ошади.

Жиноят содир этган одам суд томонидан жазосини олдими - тамом, журналистнинг ҳукмга таяниб, унинг қадрини уч пул қилиб мақола ёзиши — бошқа, унинг шаънига тил теккизмаган ҳолда содир этган жиноятини таҳлил этиб, одамларни ҳушёрликка, оқибатлиликка чақириш бошқа гап.

Ёқутхон ҲАЙДАРОВА:

Мен шахсан матбуот ходимлари билан мана шундай учрашув ва мулоқот бўлишини кўпдан бери кутиб келар эдим. Бу - ниҳоятда зарур ва фойдали машғулот. Чунки бизнинг Миробод туман халқ судига бевосита газеталарда эълон қилинган чиқишлар юзасидан мурожаат қилувчилар бор, улар ўзларининг шаъни-ориятн поймол этилганидан шикоят қиладилар. Тўғри, баъзан журналистларимиз шошма-шошарликка йўл қўйишади, ҳали низолар юзасидан тўхтамга келинмаган ишларни ёзиб юборишади. Қуйи судлар ҳукми юқори босқичлар тасдиғидан ўтиб улгурмай газетага чиқиб кетган ишлар ҳам учрайди. Бу билан кимгадир яхшилик қиламан деб, бошқаларни асоссиз равишда ранжитиб қўйиш, ҳатто қонунга зид бориш ҳам ҳеч гап эмас.

Шунингдек, семинар-машғулотда баъзи судьялар томонидан "қуйи судлар томонидан чиқарилган ҳукм юқори босқичлар тасдиғидан ўтиб улгурмай матбуотга чиқиш ҳолати бўлаётгани" андек писанда ила айтиб ўтилди. Сўнг қўшимча қилиндики, суднинг ҳукми қонуний кучга кирмагунча журналистнинг аралашишга ҳаққи йўқ.

Бундай талқин журналистларнинг жиддий эътирозига сабаб бўлди. Маълумки, ҳукм томонларнинг шикоятига кўра, суднинг сўнгги босқичидан ўтгандан сўнг қонуний кучга киради. Демак, қонуний ҳукм кучга киргандан сўнг матбуотда қанча ёзманг, фойдаси йўқ. Қонунда журналист ҳукм чиққандан сўнг — ўз текшириши якунларини матбуотда шахсий мулоҳаза тарзида ифодалаши мумкинлиги назарда тутилган. Шундай экан, ўз ишини виждонан ва қонунга қатъий амал қилган ҳолда бажарган судья битта мақоланинг нимасидан чўчийди? Агар қуйи суд бир фуқаро ҳуқуқини поймол қилган ҳолда ҳукм чиқарсада, буни журналист кўрабила туриб, то охирги инстанция ажримини кутиб юриши ҳазм қилиб бўлмайдиган ҳолат. Негаки, ҳукм то сўнгги босқичдан ўтгунча бир неча ойлаб, ҳатто йиллаб вақт кетади. Мабодо, охирги инстанция ҳукмни бекор қилиб, ишни бошқа суд таркибига юбориши ва янги таркибнинг ҳукми яна охирги босқичга келгунча судланувчининг аҳволи нима бўлиши-ю унинг болачақаси, қариндош-уруғларининг ҳолати не бўлишини тасаввур қилиш қийин эмас. Янаям тўғрироғи, суд уни оқлаши қийин. Негаки, у бир неча йил қамоқда ўтирди, агар оқланса, уни қамоққа олган прокурор ва терговчи жазоланади. Жазодан қутулишнинг бирдан-бир йўли қамаш! Бунинг учун судьяга битта қўнғироқ, агар у қайсарроқ бўлса, айбланувчидан "керакли кўргазма" олишнинг қийин жойи йўқ. Демоқчимизки, матбуот - бирор ишни тугал ҳал этадиган даргоҳ эмас, бинобарин, унда чоп этиладиган мақоладан асосий мақсад судни, судьяни бадном этиш эмас, балки адолат қарор топишига озроқ бўлса ҳам ҳисса қўшишдир.

Йиғилиш ниҳоясида ҳуқуқшунос-ёзувчи Файзулла Қиличев мантиқли мулоҳаза билдирди: судья ҳам, журналист ҳам ўз ишининг устаси бўлса ҳеч қандай тушунмовчилик, англашилмовчиликка ўрин қолмайди; таҳририятга суд қароридан норози оҳангда ёзилган шикоят тушмаяптими - демак, судьялар ўз ишларини аъло даражада адо этмоқда, танқидий мақола судьяларда эътироз уйғотмадими - демак, журналист ўз ишининг ҳадисини олган. Ана ўшанда жипслик биз кутган даражада бўлади. Жипсликки, фақат бир-бирини мақташдан иборат эмас, адолат, ҳақиқат йўлида икки соҳа вакилларининг бир ёқадан бош чиқаришидир.

Турсунали АКБАРОВ,
"Ҳуррият"нинг махсус мухбири



Хуршид ДЎСТМУҲАММАД:

Андижондаги "Қуёш-94" хусусий корхонаси билан боғлиқ машмаша бир неча газеталарда, янглишмасам, 10 дан ортиқ марта ёзилди. Шахсан ўзим осмондаги қуёшни кўрсам "Қуёш-94" ёдимга тушадиган бўлиб қолди. Бир неча устоз журналистлар "Намунча шунга ёпишиб олдинглар, "Ҳуррият" учун бошқа мавзу қуриб кетдими?" деган дашномлар ҳам беришди. Бир мавзуни қайта-қайта ёзаверишнинг биз учун ҳам қизиғи йўқ, лекин нима сабабдан мавзуга қайтишга мажбур бўлдик?

Ўша жойдаги муаммо ўз ечимини топмай қолаверди! Хўжалик судидами ёки бошқа маҳкамадами муаммо ҳал бўлганида журналистга иш қолмас эди.

Айтмоқчиманки, биз масалани охирига етказишга уриндик, холос.

Кучимиз етдими? Назаримда, муаммо ҳамон тўла-тўкис ечимини топганича йўқ... Бундай ҳолатда маҳкамага қатнаб тоқати қолмаган фуқаро қаёққа боради?

Редакцияга!

Хўш, у нега судга бормайди?

Назаримда, шу саволни кўп ўйлашимизга тўғри келади...

Шу ўринда Президентимизнинг гапини эслайлик: фуқаролар, оддий одамлар нега судга боришдан чўчийдилар, қўрқадилар?

Ваҳоланки, фуқаро ҳукм чиқармайдиган редакцияга маънавий мадад олиш учун, лоақал кўнглига малҳам бўладиган бир оғиз ширин тасалли топиш учун келади...

"ЧИЛВИР СОЧЛИ ЎЗБЕК ҚИЗИ"

"Муножот" билан фахрланайлик, Муножот билан ҳам

Эътироф

Кўп йиллар давомида халқимиз орасида кенг тарқалиб келган, асримизнинг 20-йилларида эса нотага олинган "Муножот" қўшиғи миллатимизнинг бебаҳо санъат бойликларидан биридир. Бизнинг авлод бу қўшиқни Берта Давидова ижросида мириқиб эшитади.

Минг шукрки, юртимиз истеъдодларга мўл. Санъат осмонимизда юлдуздай порлаган, исми жисмига мос Муножотхон Йўлчиева мумтоз қўшиқларни бениҳоя улкан салоҳият билан ижро этиб, ғайратли таҳсинларга сазовор бўлиб келмоқда.

Биз бу ажойиб овозли қизимиз ижросида "Муножот" билан бир қаторда "Қаро кўзум", "Ул шўх жонон", "Раъно киби", "Эй дилбари жононим", "Ўлтурғуси", "Мастона", "Қаёндир", "Дерман" сингари қатор қўшиқларни ҳам сел бўлиб тинглаймиз.

Не тонгки, Муножотхоннимнинг мухлислари бутун дунёда ортиб бормоқда. Биз буни, хусусан, Францияда чоп этиладиган матбуот нашрлари орқали ҳам билиб олдик.

Яқинда Муножот Йўлчиева Шавкат Мирзаев бошчилигидаги созандалар гуруҳи билан Франция, Бельгия, Швейцарияда ижодий сафарда бўлиб қайтган эканлар. Маҳаллий газеталар, айниқса, М. Йўлчиева ҳақида мароқ билан ёзишгани киши эътиборини тортади. Сарлавҳаларнинг ўзигаёқ бир эътибор беринг-а: "Муножот Йўлчиева — ноёб овоз", "Мустақиллик овози", "Чилвир сочли ўзбек қизи", "М. Йўлчиева — Ўрта Осиё классик қўшиқларининг энг ноёб ижрочиларидан бири"... Бу сингари ўнлаб мақолаларда хонандамиз сурати ҳам берилган.

Албатта, барча мақолаларнинг мазмунини ёзишга ҳам имкон йўқ. Биз мисол тариқасида Франциянинг "Телерома" журналидан бир парча келтириш билан кифояланайлик: "Хонанда ўз юртининг миллий кийимида... Беқасам тўн кийган созандалар эса турли миллий мусиқа асбобларида қулоқ эшитмаган мафтункор оҳангларни тараннум қиладилар... М.Йўлчиева ашулалари янграйди. Қўшиқ тингловчини тобора ўзига ром қилиб боради..."

Хуллас, Муножотимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Ҳар иккаласи билан ҳам.

Дилбар АЛИҚУЛОВА,
Тешабой АЛИҚУЛОВ

МАҒРИБУ МАШРИҚ

ИШБИЛАРМОН ЯҲУДИЙЛАР

Энди операция вақтида хирург шифокорлар беморларнинг жароҳатларида ҳеч қачон боғлаш материалларини эсларидан чиқариб қолдирмайдиган бўлдилар. Хайфадаги "Бней Цион" тиббий маркази доктори Кальдерон бу борада янгилик яратди. Янгиликнинг моҳияти шундаки, тиббиётда ишлатиладиган бинтга кичик магнит маҳкамлаб қўйилади. Операция сўнгида эса махсус датчик ёрдамида операция жойида ушбу боғлаш материали қолиб кетмаганлиги текширилади. Мазкур услуб беморнинг операция ўтказилган аъзосида жароҳатда қолиб кетган бинт ҳақида хабар берувчи датчик ишламасдан туриб тикиб қўйилишига йўл қўймайди. Ихтирони кашф этилишига беморларни даволашда жарроҳлар томонидан боғлаш материалларини инсон организмида унутиб қолдиришлар туфайли пайдо бўладиган кучли яллиғланиш ва турли хил оғриқларни ортиши сабаб бўлди.

* * *

Исроил Президентининг йилнинг энг яхши лойиҳаси учун эълон қилган мукофоти Вейцман номли институт бош илмий мутахассисининг технологик "Иссиқхона" ишланмасига берилди.

Илк бора, тиббиётда ишлатиладиган игнанинг остига маҳкамланган кичик электрон датчик яратилди. Ушбу датчик игнадаги ҳаво босимининг ҳар хиллигига асосланиб ишлайди. Игна қон томирига кирганда ва унда қон оқа бошлаганида ҳаво босими кўтарилади ҳамда датчик ушбу ўзгаришдан таъсирланиб секунднинг ўндан бир қисмида сигнал бера бошлайди. Бу сигнал игна қон томирида бўлган вақт мобайнида ишлаб туради. Игна томирдан чиқарилган заҳоти эса товуш тўхтайди.Янгилик шифокорларга игна қачон қон томирида турганлигини билишда қўл келадиган бўлди.

* * *

Елена номли Қуддус коллежи қошидаги илмий Ассосацияси вакиллари "Кармэль" тиббий марказининг болалар бўлимида ўзига хос компьютер дастурини ўрнатдилар. Энди кичкина беморлар компьтер ёрдамида интернет тармоғига чиқиб, бошқа шифохоналардаги дўстлари билан бемалол мулоқот қилишлари мумкин.

Шифохона матбуот котиби Хаво Гольденберг сўзларига қараганда турли шифохоналарда даволанаётган болаларнинг бир-бирлари билан алоқа қилишлари, уларнинг тезроқ соғайиб кетишларига ёрдам берар экан.

* * *

Вольфсон тиббий маркази кардиожарроҳи Ами Коэн юрак хасталиклари билан оғриган болаларни даволайдиган бирлашмани ташкил этди. Мазкур янги "Болаларни қутқаринг" маркази дунё мамлакатларидаги турли хил юрак хасталиклари билан оғриган ва жарроҳлик аралашуви натижасида соғайишига имкон бўлган болаларни Исроилга келтириб даволайди. Охирги уч йил ичида бирлашмада хорижий давлатлардан келган 200 дан ортиқ болалар даволаниб, ота-оналари бағрига соғайиб қайтдилар. Улар ичида эфиопиялик, молдовалик, нигериялик, хитойлик, фаластинлик ва бошқа давлатлардан келган болалар бор.

* * *

Кфар Сабадаги "Меир" шифохонаси доктори Майя Готфрид ва "Шиба" шифохонаси профессори Алон Елин бошчилигидаги бир гуруҳ мутахассислар ишлаб чиққан ҳамда уч йилдан буён давом эттирилиб келинаётган тадқиқот натижасида мамлакатдаги ўпка раки билан касалланган беморларнинг 80 фоизи соғайдилар. Доктор Готфриднинг таъкидлашича, бу жараёнда беморлар ўпкадаги ёмон сифатли шишнинг операция мобайнида тўлиқ олиб ташлаш мумкин бўлган ҳажмгача кичрайтиришга йўналтирилган кимётерапиянинг оғир курсини босиб ўтишлари шарт экан.

* * *

Қуддус университети олимлари немис ҳамкасблари билан биргаликда атмосферани ва озон тешикларини тадқиқот қилишда фавқулодда аҳамиятга эга бўлган, яъни, озон қатламида тешик ҳосил қилувчи механизмни яратдилар. Бу муваффақиятга атмосфера ҳодисасини ўрганиш борасида жаҳон миқёсидаги лабораторияга айланиб бораётган Ўлик денгиз ҳудудидаги ҳавонинг ўзига хос таркиби туфайли эришилди.

Эндиликда ушбу ҳудуд ернинг ўзига хос кичрайтирилган моделига айланди ва тарихда биринчи бор атмосфера қатламининг бузилиши ёки бошқача айтганда озон тешикларини ҳосил бўлишига олиб келувчи жараёнларни кузатишга имкон берди.

Илмий жамоа бошлиғи Қуддус университетининг атмосфера сифатини ўрганиш бўйича лабораторияси профессори Мерахем Лурьеннинг айтишича, стратосферанинг юқори қатламларида, озон қатлами бузилаётганда пайдо бўладиган сунъий жараёнга ўхшаш табиатдаги янги йўланиш топилди. Жанубий қутбда озон қатламини бузаётган бирикмалар денгиз ҳудуди тепасидаги атмосфера пастки қатламларида ҳам аниқланди.

Ўлик денгиз сувларида бром ва хлор бирикмалари мавжуд бўлиб, уларнинг парланиши озон тешикларининг ҳосил бўлишига олиб келади. Олимларнинг таъкидлашларича, куннинг ёруғ пайтида айниқса, кундуз куни қуёш ёруғлиги энг кўп бўлган паллада ҳаводаги бромнинг концентрацияси юқори даражада бўлиб, озон камая бошлайди. Кечаси эса бромнинг концентрацияси нолга тушади ҳамда бромнинг бузилиши тўхтайди. Мазкур кашфиёт озон тешиклари ҳосил бўлаётган ерлардаги жараёнларни тушунтириб берувчи тадқиқотларнинг бошланишидир.

КАМОЛИДДИН

ИСТИҚБОЛЛИ ФАОЛИЯТ

Ташриф

Ҳозирги кунда республикамизда бир неча хорижий давлатларнинг, шу жумладан, Франция Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳам фаолият кўрсатмоқда. Яқинда Франциянинг Ўзбекистондаги элчиси Жан Клод Ришард жаноблари бир гуруҳ элчихона ходимлари билан Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети роман филологияси факультетига ташриф буюрди. Бу ҳақда факультет декани филология фанлар номзоди, доцент М. Убайдуллаев билан суҳбатлашдик.

— Домла, элчи жанобларининг факультетга ташрифи ва факультет билан элчихона муносабатлари ҳақида тўхталсангиз?

— Маълумки, Франция Республикаси дунёдаги етакчи давлатлардан биридир. Ушбу давлат элчихонаси республикамиз мустақиллигидан кейин очилди. Элчихона билан факультетимиз ўртасида таълим соҳасидаги алоқаларимиз яхши. Бунинг исботи — элчи жаноблари Жан Клод Ришарднинг шахсан ўз ташаббуслари билан факультетимизга ташриф буюришларидир. Элчи жанобларининг бу сафарги ташрифларидан мақсад франциялик янги муаллим Критен Патен -Лалуани таништириш эди...

Шунингдек, элчи жаноблари Франциянинг ҳозирда дунёда тутган ўрни саноати, маданияти тарихи ҳақида гапириб берди. Талабаларни қизиқтирган саволларига жавоб берди. Франция — Ўзбекистон муносабатлари тарихийдир. Амир Темурнинг Карл IV га йўллаган мактуби ҳозирги кунгача сақланганлиги ва Франция Президенти Жак Ширак Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов билан Парижда бўлган учрашувларида ушбу мактубнинг нусхасини тантанавор вазиятда топширганини элчи жаноблари таъкидлаб ўтдилар.

- Факультетнинг келажак истиқболлари ҳақида гапириб берсангиз.

- Ҳа, яхши эслатдингиз. Ҳар ўқув йилида 2 та франциялик муаллим талабаларимиз билан машғулотлар ўтмоқда. Шу йилнинг январь ойида ўқитувчи Франк Микаэл-Лубуф муддати тугаши билан Францияга қайтди. Унинг ўрнига келган янги муаллим Кристен Патен-Лалуа талабаларимизга француз тилини чуқур ўргатишга киришиб кетди.

Кундалик француз матбуоти орқали нафақат Францияда, балки бутун дунёда юз бераётган ҳар хил воқелардан хабардор бўляпмиз. Буларнинг ҳаммаси учун элчихона ходимларининг хизматлари катта.

Толмас ЖЎРАЕВ суҳбатлашди

ОСИЁ ЙЎЛБАРСИНИНГ ҒАЛАБАСИ

Бир вақтлар олий ўқув юртига кира олмаган япон ёшлари орасида бу мағлубиятга чидай олмай орият кучлилигидан ўзларини ёқиб юборишлари одат тусига кирган эди

Урушдан сўнг япон автомобилсозлиги ярим вайрона ҳолатга келиб қолганди. Ҳатто ўша вақтда ҳарбий соҳада ишлатишга мўлжалланган юк машиналарининг ҳам бозори касодга учраганди. Ҳукумат мамлакат учун йирик сармоя келтириши мумкин бўлган соҳа - автомобилсозликни ғарб технологияси билан қориштириб ривожлантиришни лозим топди.

1945 йилдаёқ соҳани ноёб ресурслар билан таъминлашнинг мехнизми ишлаб чиқилди. 1949 йил Ташқи савдо ва саноат вазирлиги (ТССВ) йўловчи ташишга мўлжалланган автомобилларни ишлаб чиқаришда жорий этилган чекловларни олиб ташлашга эришди. Бундан бир йил аввал эса ТССВ автомобил саноатининг ривожлантиришнинг 5 йиллик режасини ишлаб чиққан эди. Мамлакат иқтисодининг таянчига айланган мазкур режада йўловчи автомобиллар миқдорини **450дан 21700 донага** етказиш, юк машиналари ва автобуслар сонини эса **1500дан 25500 тагача** етказиш кўзда тутилган эди. Режа Лойиҳаларини молиявий таъминлаш банки (ЛМБ) томонидан муттасил равишда қўллаб қувватланди. ЛМБнинг биринчи кредити "Тойота" автомобил компаниясига берилган эди.

1950 йилга келиб Кореядаги урушлар даврида АҚШ ҳукуматининг япон портларидан фойдаланиши ва уруш ҳаракатлари билан боғлиқ бўлган янги буюртмалари япон автомобилсозлигини юксалишига хизмат қилди. Ўша вақтда талаб бўлганлиги боис "Ниссан", "Тойота" ва бошқа ҳарбийлаштирилган юк машиналарининг тан нархининг оширилиши мамлакатдаги йўқотишларнинг ўрнини қоплашда ёрдам берди. Шу йили ТССВ автомобил ишлаб чиқарувчи барча компаниялар олдига халқаро миқёсда рақобатлаша оладиган машиналарни ишлаб чиқиш талабини қўйди. Вазирликнинг бу шарти автомобилсозлик заводларини замонавийлаштириш, ишлаб чиқаришга ривожланган давлатлар технологияларини жорий қилишни талаб этарди. 1951 йилга келиб Япония Ривожланиш банки (ЯРБ) ташкил этилди. Банк нафақат янги технологиялар сотиб олиш, балки хорижнинг енгил машиналарини япон бозорига олиб киришни ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этиш учун сармоялар ажрата бошлади. 1956 йилда мазкур банк "Тойота" компанияси учун Жаҳон банкидан 234 млн. доллар миқдорида кредит ажратилишига ёрдам берди.

Бирин-кетин ютуқларга эриша бошлаган японлар аста-секин хорижий автомобилларни ички бозорга кириб келишини ҳам чеклай бошладилар. Мамлакатдаги ҳар бир фуқарога икки йилда бир маротаба хориж машинасини олиб келиб сотиш учун рухсат берилди. Япон миллатига мансуб аҳоли вакиллари валютага хорижий машина сотиб олиш ҳуқуқидан ҳам маҳрум этилди. Хорижий автомобилларга солинадиган божхона солиқлари унча-мунча японнинг чўнтагини қуритиб қўйиши ҳеч гап эмасди. Масалан, енгил автомашиналардан 40 фоиз миқдорида солиқ олинарди. Айни ҳолат 1968 йилга қадар давом этди.

Чет эл инвестицияларини соҳага жалб этиш иқтисодчиларнинг диққат марказидан четда қолгани йўқ. Бу борада, урушдан аввал тўплаган тажрибалар етарли. Аммо улар эски тажрибаларини такрорлашни хоҳламасдилар.

1952 йилнинг апрель ойида Япониянинг мустақил деб эълон қилиниши "Крайслера"дан тортиб "Фольксваген"гача бўлган етакчи ғарб фирмаларининг ҳамкорликда ишлаш учун таклифномалар юборишларига сабаб бўлди. ТССВ урушдан аввалги аччиқ хатоларни такрорланмаслиги учун автомобилсозликни ривожлантириш мақсадида ишлаб чиқилган "Чет эл инвестициялар тўғрисида"ги қонунга иловалар киритди. Унга кўра хорижий сармоялар савдо соҳасига қўйилмасди. Ишлаб чиқариш ва экспортни кучайтиришга йўналтирилган, импортни эса камайтирувчи сармояларгина маъқулланарди. Сармоя киритувчилар билан тузилган келишувларда 5 йил мобайнида ҳамкорликда ишлаб чиқариладиган автомобилларнинг 90 фоиз қисмларини Японияда ишлаб чиқарилиши кўзда тутилган эди.

Айрим фирмалар билан тузилган битимларда ТССВ шартларни кучайтирди. Масалан, Рено ва Хино дзидося фирмаси билан ҳамкорликда Renault - 3CV русумли автомобилни ишлаб чиқариш учун тузилган битимда 5 йиллик муддат ичида автомобилни йиғиш учун керак бўлган барча деталларни мамлакатда 100 фоизга ўзлаштирилиб, ишлаб чиқаришга жорий этиш шарти қўйилган.

1950 йилда Ниссан, Тойота ва Ота компанияларигина ишлаб чиқаришда етакчи ўрин тутган бўлса, 1960 йилга келиб уларнинг қаторидан Исудзу, Хино, Принц, Фудзи, Мицубиси ва Мазда компаниялари ҳам ўрин олди. Хонда, Сузуки ва Дайхацу каби автомобил компанияларининг ишлаб чиқариш қудрати ортиб борди. 1964 йилга келиб Ниссан ва Принц компаниялари бирлаштирилди. 1966 йилда эса Тойота ва Хино, Тойота ва Дайхицу компаниялари бирлашиб йирик автомобил компаниясини ташкил этдилар.

ТССВ Токио Университети билан ҳамжиҳатликда "мини" классига мансуб 4 ўриндиқли ихчам автомобил лойиҳасини ишлаб чиқди. Лойиҳага кўра машина вазни 400 кг дан ошмаслиги, 100 км масофага 2-3 литр ёқилғи билан бир соатда етиб бориши керак эди. Янги автомобилнинг баҳоси 150 минг иен (416 доллар) миқдорида баҳоланди. Митти япон мўъжизасини ойига 2 минг дона ишлаб чиқарилиши ҳамда ҳукумат томонидан лойиҳани амалга ошириш учун молиявий ёрдам кўрсатилиши ҳам кўзда тутилганди. Мамлакатдаги барча компаниялар лойиҳа билан танишиб чиққач, автомобил учун белгиланган нархни камида 50 фоизга ошириш лозим деган тўхтамга келишиб, ўзларини четга олдилар.

Кутилмаганда қурилиш техникаларини ишлаб чиқарувчи "Комацу" фирмаси ҳеч бир компания рози бўлмаган нархда автомобилни яратишга тайёрлигини билдирди. Фирма раҳбари Есинари Каваи машина конструктори Фердинандо Порше билан боғланиб, нархлар уни қониқтиргани ва "Комацу" "Фольксваген" билан ҳамкорликда лойиҳани амалга оширишини айтади. Техник хусусиятлари такомиллашган ва анча арзон бўлган автомобил ишлаб чиқарувчи янги компанияни вужудга келиши бошқа компанияларнинг ўз маҳсулотларининг сифатини ошириши ҳамда нархларини пасайтиришларига мажбур қилди.

Кейинроқ бўлса автомобил компанияларини маълум бир соҳага йўналтириш масаласи кўриб чиқилди. Унга кўра бир гуруҳ компаниялар оддий йўловчи ташишга мўлжалланган машиналарни, иккинчи гуруҳ - "мини" классдаги, учинчи гуруҳ эса махсус (спорт, ҳукумат, дизель ва бошқа) автомобилларни ишлаб чиқаришга мослаштирилиши лозим эди.

Япон автомобилсозлиги тарихи ранг-баранг. Автомобилсозлик мамлакат иқтисодини урушдан сўнги оғир аҳволдан олиб чиққан эди. Бугун Япония ўзининг бетакрор автомобиллари билан дунё бозорларини забт этмоқда. Аммо кейинги вақтда мамлакатда яна иқтисодий инқирозлар юзага келмоқда. Ишонамизки бу сафар ҳам автомобилсозлик Японияни яна оёққа туриб олишида муҳим таянч бўлиб хизмат қилади.

Шерзодбек ЭРГАШЕВ

ФАНтастика

Голливуд киностудиясининг машҳур "Армагидон" фильмини кўрганмисиз? Унда бош қаҳрамон Ерга хавф солаётган улкан само тоши — астроидни портлатиб, сайёрани мутлақ ҳалокатдан сақлаб қолади. У фантастика, аммо ҳаётда шундай бўлиши мумкинми?..

1989 йил 4 январь куни Жан Луиз Хюди, Роберт Чемин, Алан Моури ва Кристиан Поласлар Кот д'Азур обсерваториясига қарашли телескоплардан бири ёрдамида янги бир астроидни кашф этишди. Юзлаб метрлик диаметрга эга бўлган бу само тоши Қуёш атрофида сайёрамизники билан кесишган орбита бўйлаб ҳаракат қилмоқда. Қарийб тўрт йил давомида ўз орбитасини бир марта тўлиқ айланаркан, Қуёшга 98 миллион километр яқинлашиб, 209 миллион километр

ОСМОНДАН ТОШ ЁҒАРМИШ...

узоқлашмоқда. Тоутатис деб номланувчи илоҳнинг номи берилган бу астроид Қуёшдан 150 миллион километр узоқликда қарийб айланасимон орбитада ҳаракат қилаётган Ер билан тўқнашиши мумкинлиги ҳақиқатан ҳам жиддий таҳликадир. Бу тўқнашувнинг айнан қайси санада содир бўлишини айтиш мушкул. Чунки бу фазо жисмининг орбитаси ҳақида маълумотлар тўлиқ ўрганилмаган. Бунинг устига унинг ҳаракати ўз орбитасида қанчалик собит бўлмасин, унинг каби кичик жисмлар тортишиш кучига нисбатан таъсири жуда кучли эканлигини ҳам унутмаслигимиз керак.

Дарё тубида тошдан майда қум кўп бўлади. Шу каби Қуёш системасида ҳам диаметри 100 метрдан 10 километргача катталикдаги астроид ва думли юлдузларга қараганда бир неча метрдан километргача етадиган кичик тупроқ ва чанг бўлаклари кўпчиликни ташкил этади.

Кичик ҳажмли фазо тошлари атмосферамизга тез-тез кириб туради. Катта тезлик ва ишқаланиш натижасида қаттиқ қизиб ёниб кетади. Ергача кўпинча етиб ҳам келмайди. Етиб кела олган бундай металл ёки тош парчалари метеорит деб аталади. Кўпчилиги ҳажман жуда кичик бўлганидан зарарсиз ҳисобланади.

Нисбатан катта метеорит тушиш ҳодисалари кузатилган. 1908 йил 30 июнь куни эрта тонгда Ўрта Сибирь ўрмонларида, Енесей дарёси яқинида "Тунгуска" портлаши содир бўлди. Атмосферага кириб қолган, диаметри тахминан 100 метрча дейилган астроид стратосферадан катта тезликда ўтиб, ерга 6-9 км қолганда ҳавода портлаб парчаланади. Бу портлашдан чиққан оловли шамол оқибатида 2000 км кв. (ёки 200 000 гектар) майдондаги тайга ўрмонининг кули кўкка совурилган.

1989 йил 22 март куни бошимизга яна бир кўк тошининг "тушиши"га оз қолди. Шу куни "1989FC" номи берилган, диаметри тахминан 200-400 метр (Тунгусканикидан 2-4 баравар катта диаметрли) бўлган астроид сайёрамиздан 690 000 километр узоқликдан ўтиб кетди. Бу масофа астрономик кўз билан қаралса, жуда яқин ҳисобланади ва "1989FC" Ердан энг яқин ўтган астроид рекордини ўрнатди. Ерга тушган тақдирда у 5-7 км.ли улкан кратер ҳосил қилиши ва ҳисобсиз катта майдонни йўқ қилиб юбориши мумкин эди.

Орадан кўп ўтмай, 1991 йил 18 январь куни юқоридаги рекорд янгиланди. Сайёрамиздан борйўғи 170 000 км узоқликдан "1991ВА" номи берилган фазо тоши ўтиб кетди. Бироқ унинг ҳажми анча кичик — 5-10 метрли диаметрга эга эди.

Қуёшнинг атрофида фақатгина 9 сайёра ва уларнинг йўлдошлари эмас, балки думли юлдуз ва астроид деб аталувчи минглаб, ҳатто, миллионлаб кичик сайёрачалар ҳам ҳаракат қилиб юради. Ҳозиргача аниқланган думли юлдузлар сони минг, астроидлар сони эса беш минг атрофида. Мана шу фазо "дайди"ларининг ҳаракат орбиталари сайёрамиз — Ернинг орбитаси билан кесишган бўлиши мумкин. Агар улардан бирортаси ва Ер бир пайтда ана шу кесишиш нуқтасига келиб қолса, тўқнашув содир бўлиши муқаррар.

Бир неча йил олдинги маълумотларга кўра, сайёрамиз орбитаси билан кесишган орбитали 100 та атрофида думли юлдуз, 200 та атрофида астроид аниқланган. Бироқ уларнинг сони йил сайин ўзгармоқда.

Қилинган тахминий ҳисоб-китобларга қараганда, диаметри 10 метрдан катта фазо жисми ўртача ҳар 50 йилда, диаметри 100 метрдан каттаси ҳар 300 йилда, диаметри 1 км.дан каттаси эса ҳар 500 000 йилда бир марта тушиш таҳликаси мавжуд.

Биринчи ҳолатда (диаметри 10 метрдан катта) Ер аҳолиси учун жиддий хавф йўқ деса ҳам бўлади. Бунда жисм атмосферанинг юқори табақасидаёқ кучли (атом бомбасиники билан тенг) портлаш содир этади ва парчаланиб кетади.

Иккинчи ҳолатда (диаметри 100 метрдан ортиқ) Тунгуска фалокати каби ҳодиса содир бўлади. Бу дегани, йирик шаҳарни атрофи билан йўқ қилиб юборади, демакдир. Сайёрамизнинг жуда катта қисмида аҳоли яшамаслигини ҳисобга олсак, жуда ваҳимали эмас.

Учинчи ҳолатда (диаметри 1 километрдан катта фазо тошининг сайёрамизга тушишида) эса ҳақиқий "қиёмат" содир бўлади. Чунки бу ҳолатда офат маълум бир ҳудудга эмас, бутун табиат мувозанатининг бузилиши ва оммавий қирғинни келтириб чиқарувчи глобал ҳалокатга айланади. Агар жисмнинг диаметри 10 км.дан ошадиган бўлса, бу сайёрамиз ҳаётининг нуқтаси, демакдир.

Гарчи бу тахминий ҳисоб-китоблар унчалик аҳамият қозонмаган бўлса-да, NASA бошчилигида дунёнинг йирик олимларидан тузилган "Фазодан Мудофаа Тадқиқотлари" қўмитаси ташкил этилган. Қўмитанинг биринчи вазифаси, сайёрамизга яқин, диаметрлари 100 метрдан 1 километргача бўлган барча фазо жисмларини аниқлаб, уларни ўрганишдир. Иккинчи вазифаси эса, бўлиши мумкин тўқнашувларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишдир.

Хуллас, фазода шунақа ишлар. Айрим олимларнинг ҳисоб-китобларига қараганда эса, 2000 йил 26 сентябрь куни ана шундай само тошларидан бири билан тўқнашув бўлиши мумкин экан. Яшайверайлик-чи, кўрамиз...

Хориж матбуоти асосида
ШЕРЗОД тайёрлади

Европанинг кўҳна обидаси

ЭЛЧИ ЎРИНБОСАРИ БИЛАН СУҲБАТ

("Террор ва терроризм", "Ҳуррият", 24 март)

Муносабат

Мақолада жиноятнинг манфур усулларидан бўлмиш террорчиликнинг тарихи, дунёда кенг қулоч отгани, уни келтириб чиқариш сабаблари ҳақида сўз боради. Газетанинг мазкур сони чиққач, кутилмаганда Эрон Ислом Республикасининг Ўзбекистондаги элчисининг ўринбосари Саид Аҳмад Деҳнавий газета бош муҳаррири билан учрашиш ниятида эканини билдирди. Учрашув чоғида жаноб Деҳнавий мустақиллик йилларидаги Ўзбекистон ва Эрон ўртасидаги ҳамкорлик ҳақида, Эрон инқилобининг сарчашмалари ва Оятулло Ҳумайнийнинг ҳокимият тепасига келиш тарихи хусусида сўзлаб берди. Шунингдек, "Ҳуррият" газетасини мунтазам ўқиб боришини, бу нашр ҳатто ўз мамлакатида ҳам кузатиб борилишини таъкидлар экан, "Террор ва терроризм" мақоласида шундай бир ёвуз иллат мавзуи юзасидан Эрондаги бундан 20 йил бурунги ҳолат ўринсиз тилга олинганига таассуф изҳор қилди.

Газета бош муҳаррири мақола мутлақо соғлом ниятда, кенг оммага мўлжаллаб ёзилганини, унда баён этилган маълумотлар ҳеч бир давлатнинг ёки бўлмаса давлат раҳбарининг шаънига доғ туширмаслигини, хусусан, Эрондаги тарихий ҳолат фақат мисол тариқасидагина санаб ўтилганини, башарти ушбу мисол келтирилмаган тақдирда ҳам мақола савиясига путур етмаслигини уқдирди.

Суҳбат чоғида адабиёт, санъат, маданият, фан ва спорт соҳаларида ахборот алмашинуви ҳақида келишиб олинди.

Ўзингни англаб ет!
МУСТАҚИЛ ГАЗЕТА ҲУРРИЯТ
1996 йил декабрдан чиқа бошлаган
31март - 6 апрель
13 (115)-сон

Муассис: Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-кувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси

Бош муҳаррир Хуршид ДЎСТМУҲАММАД

Таҳрир ҳайъати: Азамат ЗИЁ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Амирқул КАРИМОВ, Наим КАРИМОВ, Озод ШАРАФИДДИНОВ, Аҳмаджон ЎЛМАСОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 165-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими А-2.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Телефонлар: 133-69-45, 136-53-63,

Индекс:
Якка обуначилар учун — 233 Ташкилотлар учун — 234

«Шарқ» нашриёт- матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 4 1-уй.

Навбатчи муҳаррир: Зокиржон АЛИБЕКОВ

Босиш вақти — 21.00
Топширилди — 17.00
Буюртма — Г 0220

КАМАРБАСТАМИЗ

Гурунг

"Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси ташкил этилганига бир йилдан ошди. Бу давр мобайнида уюшма ўз олдига қўйган вазифаларни бажара олдими? Режалар қай даражада ўз амалий ижросини топди? Мухбиримиз мазкур уюшма бошқарув раиси Исфандиёр ЛАТИПОВ билан шу ҳақда гурунглашди.

- Биз тарихий тараққиётда туб бурилишлар юз бераётган, атрофдаги ҳаёт ва бевосита инсоннинг ўз руҳий-маънавий борлиги асос-асосдан янгиланаётган бир тарихий даврда яшаяпмиз.

Юртимиз мустақиллик йилларида қўлга киритган ютуқларни кенг оммага таъсирчан ва жозибадор шаклларда етказиш, халқимизнинг чинакам бунёдкорлик ишларини, асрлар синовидан ўтган асл миллий қадриятларимизни одамлар онгида, руҳиятида, маънавий қиёфасида рўй бераётган ўзгаришларни тасвирий намойиш этиш ижодий уюшмамизнинг дастуриламалидир.

Реклама тушунчаси аввалари бевосита ғарб ҳаёт тарзи билан боғланар, қандайдир мавҳум ва нотаниш кўринар эди. Давр ўзгармоқда. Ҳозир бу сўз барча касб ва ёшдаги кишиларга таниш бўлиб, унга муносабат ҳам турлича. Аммо эндиликда ҳаётимизни замонавий рекламасиз тасаввур қилиш қийин.

Турмушда рекламанинг кенг қўлланилиши, аслида шахснинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан ўсишига таъсир кўрсатишга асосланган. У маркетинг алоқаларининг ажралмас қисми сифатида турли кўринишларда жамиятимиз ҳаётига дадил кириб бориб, кишиларга маълум маънода таъсир



кўрсатмоқда. Реклама оммавий ахборот воситаларида салмоқли ўрин эгаллай бошлади, транспорт ва тижоратда кенг қўлланилмоқда, таълим ва даволаниш муассасалари фаолиятига кириб бормоқда. У кишиларнинг хабардорлик даражаси, диди, маънавий эҳтиёжлари, қизиқишлари доирасини шакллантирадиган қудратли восита ҳисобланади.

1998 йил уюшмамиз учун масъулиятли ва баракали йил бўлди, чунки Республикамизнинг барча вилоятларида "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси, вилоят, шаҳар кўпгина туман бўлимлари ташкил этилди. Шулардан 14 таси уюшманинг Тошкент шаҳар, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоят бўлимлари, 31 таси вилоятларимиз туманларида иш олиб боришмоқда.

Тошкент шаҳар ҳокими Козим Носирович Тўлагановнинг тамаки маҳсулотларини тақиқлаш ҳақидаги 1998 йил 1 апрелдаги Қароридан сўнг, шаҳримизда тамаки ва алкогол маҳсулотларининг рекламаси ифодаланган 4524 кв.метрли рекламаларнинг 2520 кв. метри камайтирилди. Уларнинг ўрнига бир йилнинг ўзида шаҳар ҳокимияти билан ҳамкорликда 60 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфлаб, шаҳарнинг одам гавжум бўладиган 26 жойида ижтимоий, маънавий-маърифий мавзудаги маънавият кўргазмали марказлари қурилди.

Қувонарли томони шундаки "Тасвирий ойина" олиб бораётган ишлар Ватанимизнинг узоқ қишлоқларида ҳам ўз аксини топмоқда. Маънавий-маърифий ишлар кўлами кенгаймоқда.

Ижодий уюшмамизнинг маънавият ва маърифат бўлими миллий маънавият ҳамда истиқлол мафкурасини кенг тарғиб қилиш мақсадида давлатимизнг мустақиллик одимлари, ватан гўзаллигини бунёд этаётган замондошларимизнинг фидойиликларини тараннум этувчи панно, лавҳа ва бошқа кўргазмали тарғибот воситаларига тавсияномалар тайёрлаб нашр этди. Ҳукуматиз Қарорига асосан уюшмамиз Ўзбекистон Бадиий Академияси билан ҳамкорликда "Алпомиш" достонининг 1000 йиллиги, Жалолиддин Мангуберди таваллудига 800 йил тўлиши муносабати билан ва тарихда Ватан озодлиги учун курашган Тўмарис, Широқ, Спитамен, Темур Малик, Маҳмуд Таробийларнинг рамзий тасвирий сиймоларига яратиш мақсадида барча мусаввирлар. ҳайкалтарошлар, фотосуратчилар ва қаламкашларни "Аждодлар ёди" Республика кўрик-танловига чақирдик.

1999 йил "Аёллар йили" деб эълон қилинди. Шу муносабат билан уюшмамиз барча кўргазмали марказлар учун янги тавсияномалар, шиорлар, матнлар дастурини тайёрлаб берди.

Уюшмамиз Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси билан ҳамкорликда Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаётганлигини, азалий ва умумбашарий қадриятлар қарор топаётганини, кишилар руҳиятидаги ўзгаришларни матбуотда радио-телевидениеда ёрқин ва ишонарли тасвирлаш юзасидан ёзувчилар, журналистлар, рассомлар, дизайн усталари, фотосуратчилар, кенг ижодкорлар доирасида "Энг улуғ, энг азиз" Республика кўрик-танловини ўтказди. Ушбу танлов ғолиблари, унинг иштирокчилари уюшмамиз томонидан қимматли совғалар билан мукофотланди.

Уюшмада "Бозор одобномаси" номли 10 минг нусхадан иборат туркум плакатлар яратилиб Республикамиздаги барча бозорларга осилмоқда. Шарқона бозор одоби тамойиллари ушбу плакатларда ўз аксини топган.

"Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси фаолиятида муаммолар ҳам бор, албатта.

Кўплаб вилоят ва туман бўлимларига ҳокимликларнинг саъйи-ҳаракати билан лозим даражада маблағ ажратилган. Лекин, таъкидлаб ўтиш керакки, Қашқадарё, Сурхондарё, Сирдарё ва Самарқанд вилоятларида ҳокимликларнинг махсус фармойишлари чиққанига 1 йилдан ошганлигига қарамай мазкур вилоят бўлимлари ҳисобига маблағ ажратиш пайсалга солиниб келиняпти.

Мен алоҳида таъкидлаган бўлардимки, мавжуд қийинчиликларга қарамасдан Андижон, Наманган, Фарғона, Самарқанд вилоят бўлимлари қисқа вақт ичида катта ютуқларга эришдилар. Фарғонада Аҳмад ал-Фарғоний, Самарқандда Имом ал-Бухорий таваллуд кунлари муносабати билан жуда катта ишлар қилинди. Аҳмад ал-Фарғонийнинг Фарғонада ўтказилган шонли 1200 йиллиги санасига бағишлаб 7 минг дона "Тасвирий ойина" ижодий уюшмасининг рамзи билан плакат, тақвим, сопол идишлар жамламаси, кўкрак нишони ва ён дафтарчалар чиқарилди.

Самарқандда эса Имом ал-Бухорийнинг таваллуд кунига бағишлаб кўкрак нишонлари, сопол идишлар жамламаси "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси рамзи билан чиқарилди.

Сўзимнинг якунида Ўзбекистон Республикаси "Тасвирий ойина" ижодий уюшмасининг келажакдаги мақсад ва вазифалари ҳақида озгина тўхталмоқчиман. 1998 йилда эришган ютуқларимиз ўзимизники. 1999 йилда ўтган йилда бошланган баъзи ишларни якунига етказмоқчимиз. Айниқса, Республикамизнинг туманларида ташкил этилаётган "Тасвирий ойина" ижодий уюшма бўлимлари сонини кўпайтириш ва бу ишга туман ҳокимликларининг моддий ва маънавий ёрдамини кучайтирмоқчимиз.

Ҳолида ИСКАНДАРОВА
ёзиб олди

ОЗОД ДОМЛА

Устоз! Қутлуғ ёшингиз муборак бўлсин. "Буюк хизматлари учун" ордени кўксингизда узоқ йиллар порлаб турсин!



Озод ака халқимиз орасида жасоратли танқидчи, комил олим сифатида кенг танилган. Аммо кейинги икки-уч йил ичида у киши "Жаҳон адабиёти" журналидаги самарали фаолияти билан истеъдодли муҳаррир эканлигини ҳам тўла намоён эта олди. Домланинг жасур танқидчилиги "Замон, қалб, поэзия" деб номланган биринчи китобидаёқ яққол кўринган эди. Биз талабалик йилларимизда уни ўқиб, танглайимиз кўтарилганини фахр билан айта оламиз. Кейинроқ Озод ака "Тирик сатрлар" мажмуасини эълон қилди. 20-30-йилларда яшаб, ижод этган ўзбек шоирларининг сара шеърлари жамланган бу китобга "ашаддий миллатчи" деб тамға босилган Чўлпон, Фитрат, Элбек, Боту, Мухторхон сингари ижодкорларнинг асарлари ҳам киритилган эди. Афсуски, у дўконлардан йиғиб олинди ва шўро давридаги маданият қушандалари томонидан ёндирилди. Домла шунда қанчалик эзилганига, изтироб чекканига гувоҳ бўлганмиз. У кишига тинимсиз азоб бериб келаётган қанд касаллиги балки худди ўша кезлардан бошланган бўлса ажаб эмас.

Асоссиз танқидлар, хуружлар домланинг иродасини бука олмади. Ажойиб ёзувчимиз Абдулла Қаҳҳор ноҳақ таъналарга дуч келган кезларда у бир чеккада томошабин бўлиб турмади. Адибнинг "Ёшлар билан суҳбат" мақолалар тўпламига муҳаррирлик қилди (Сўзбоши муноққид Матёқуб Қўшжонов томонидан ёзилган эди). Унга ёзувчининг шу давр учун ўта қалтис ҳисобланган мақолалари ва ҳаёт ҳақидаги кузатишлари, жиддий фикрлари киритилган эди. Тақдирнинг қалтис ўйинини қарангки, бу асар ҳам йиғиштириб олинди ва уни тўплаб, нашр этувчилар шаънига аччиқ гаплар айтилди. Уларни катта мажлисларда қораладилар, газеталарда дўппосладилар. "Сутдан оғзи куйган қатиқни ҳам пуфлаб ичади", деган мақол бор. Бошқа киши бўлганда, бундай аёвсиз ҳужумлар олдида довдираб қолиб, ўзини йўқотиб қўйиши ҳеч гап эмас. Аммо Озод ака барибир "жим" турмади. Ёзувчилар уюшмасида ўтказилган йиғинлардан бирида ўша йилларда мафкура котиби бўлиб ишлаган таниқли партия раҳбарига: "Чўлпон асарлари босилишини яна қанча вақт кутишимиз керак?" деб дангал савол бера олди.

Домла танқидчи сифатида ҳамиша ҳақ гапни айтди, ҳақиқатни ҳимоя қилди. Бу борада яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин, аммо мен мақола бошида алоҳида таъкидлаганим — устознинг муҳаррирлиги ҳақида кенгроқ тўхталмоқчиман.

Умрингизга барака

Озод аканинг ёзиш малакаси, таҳрир маданиятининг чуқурлигини "Шарқ юлдузи" журналида ишлаган кезларимда кўрганман. У киши ёзган мақолаларга деярли қалам тегизилмасди, уларни ўқиш ҳам, журналда чиқариш ҳам биз учун роҳат эди. Баъзан бир босма тобоқ, баъзан ундан ҳам кўп мақолалар қўлёзмасини кўрганимда ҳайратга тушардим. Улар ниҳоятда силлиқ, теп-текис қилиб кўчирилган бўларди. Устидан чизилган, тузатилган ёки бўялган жумлалар кўринмасди. Ўз ишига бунчалик катта ҳурмат, масъулият билан қарашнинг ўзи биз учун улкан бир мактаб эди.

Домла раҳбарлигида номзодлик иши ёқлаш менга ҳам насиб этган. Шунда у кишининг талабчанлиги, таҳрирга усталигига кўп марта дуч келганман. Биттагина мисол айтай. Ишим ҳимояга тавсия этилгач, автореферати қораладим. У кезларда илмий ишлар рус тилида ёзилар, ҳимоя жараёнлари ҳам русча бўлар эди. Табиийки, таржима қилдириш анча-мунча қўшимча харажатга тушарди. Диссертациянинг ҳам, автореферати ҳам таржимаси домлага ёқмади, таҳрирга бердик. Автореферат таҳрири у кишига маъқул бўлавермади. Яна бошқа икки рус ўртоқдан илтимос қилишга тўғри келди. Улар ҳам айрим жумлаларни тузатган бўлиб: "Яхши ёзилганку, яна қанақа таҳрир керак?" деб эътироз билдиришди. Озод акага бу гапларни етказдим. "Майли, қолдириб кетаверинг-чи", - деди у киши.

Икки-уч кундан кейин йўқлади. Ишни қўлимга қайтариб берар экан: "Пишиб қолган экан. Кўчиртираверинг", — деди. Йўлда келаётиб, шошапиша варақлаб чиқдим. Озод ака жуда кўп узун жумлаларни ихчамлаштирган, таҳрир қилган, қисқартирган эди. Очиғини айтганда, ўзбекчанинг ўзида қотириб ёзолмаймиз, домла эса русча ёзилган, яна шу соҳа мутахассислари таҳриридан чиққан матнни шунчалик синчиклаб тузатган эдики, у кишининг рус тилини бунчалик пухта билишига, маҳоратига қойил қолмасдан, тан бермасдан илож йўқ эди. Энг муҳими, домла бир оғиз бўлсин, "ўзим тузатдим, таҳрир қилдим", деб айтгани йўқ. Лоақал шунга имо-ишора қилиб қўймади ҳам. Агар бу ишни бошқа одам қилганида борми — мингта миннат, мингта писанда остида қолиш мумкин эди. Бундай бағри кенглик, саховат ҳамманинг қўлидан ҳам келавермайди.

Устоз билан бирга ҳуқуқшунос олим С.Аъзамхўжаевнинг "Туркистон мухторияти" рисоласини нашрга тайёрлаган эдик. Шунда Озод аканинг теран билимига яна бир карра гувоҳ бўлдим. Мен рисолани бошдан-оёқ таҳрир қилиб, жумлаларнинг "эга-кесим"ини тузатиб чиқдим. Озод ака эса қўлёзмани ўқигач, муаллифни чақириб, жуда кўп эътирозлар билдирди. Улар асосан тарихий ҳужжатлар, шахслар, воқеалар жараёни ҳақида эди. Очиғини айтганда, мен бу мавзуни умумий тарздагина билардим, ўша давр газета-журналларидаги фикрлар, мақолаларни бошқа манбалар орқали ўқиган эдим. Озод ака эса Қўқон мухториятига доир ҳужжатларни жуда яхши ўрганган экан. Муаллиф домланинг мантиқий далилларини тўла ҳисобга олди. Натижада рисола фақат ютди.

Озод аканинг талабчанлиги, қаттиққўллиги ва айни замонда хайрихоҳлиги туфайли "Жаҳон адабиёти" журнали мухлислари қалбига тобора йўл топиб бормоқда. У киши бош муҳаррир сифатида ҳар бир асар, ҳар бир мақолани синчиклаб ўқийди, таҳрирни кучайтиришни, материални пишитиб, қиёмига етказишни эринмай талаб қилади. Бу борада ҳеч кимни аяб ўтирмайди. Ҳатто ўзига яқин, қадрдон кишилари ёзган асарлар журнал йўналишига тўғри келмаса, мулоҳазага бориб ўтирмай, дарҳол қайтариб беради. Озод аканинг изланишлари ва тавсияси, ташаббуси билан жаҳон адабиётининг кўплаб нодир намуналари ўзбек ўқувчилари қўлига етиб бормоқда. У киши таржима учун китобхоннинг маънавий дунёсини бойитадиган, кўзини очадиган, янги маълумотлар берадиган асарларни излаб топади. "Партиянинг олтинлари" ёки "Шекспир ва драма тўғрисида" мақолалари бунинг ёрқин мисолидир. Домланинг илмдаги ҳалоллиги ва муросасизлиги, тўғрисўзлиги муҳаррирлик фаолиятига ҳам тўла-тўкис кўчиб ўтганига ҳар куни гувоҳ бўлиб турибмиз.

Озод аканинг муҳаррир сифатидаги фаолияти ҳам ҳар жиҳатдан ўрганишга, ибрат олишга лойиқдир.

Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ

"ТИЛ МУСТАҚИЛЛИГИ — ЭЛ МУСТАҚИЛЛИГИ"

Нашр

Ўктам АЛЛАЕВ

Собиқ совет даврида, унинг мафкураси таъсири остида қабул этилган "Ўзбекистон ССЖнинг давлат тили тўғрисида" қонуни 1995 йил декабрининг 21-кунида янги таҳрирда қабул қилинди. Республикамизнинг бу янги таҳрирдаги "Давлат тили ҳақида" қонуни миллий мафкура ва жаҳон стандартларини ўзида мужассамлаштиргандир. Эндиги вазифа - ана шу қонунни ҳаётга татбиқ этиш, давлат тили сиёсатини амалга ошириш-дан иборат. Филология фанлари номзоди, доцент Нусратулло Атоулло ўғли Жумахўжанинг монографик услубда ёзилган "Истиқлол ва она тилимиз", ("Шарқ",1998) номли китобида мазкур вазифалар ҳақида кенг кўламда ҳикоя қилинади.

"Истиқлол ва она тилимиз" китобининг биринчи боби "Тил мустақиллиги - эл мустақиллиги" деб номланади. Унда мустақилликнинг давлат тили сиёсатини амалга оширишдаги ўрни, аҳамияти ва бошқа муаммолар илмий тадқиқ этилган. Муаллиф янги таҳрирдаги давлат тили ҳақидаги қонун тўғрисида фикр билдирар экан, шундай ёзади: "... у шаклан ва моҳиятан янгиланган. Тил ва услуб жиҳатидан соддалашган, ихчамлашган. Ҳуқуқий асослари аниқроқ, қатъийроқ, амалиётга мувофиқ даражада ифодаланган". Муаллиф ўзбек тили давлат тили мақомида устувор туриши учун уни жаҳон халқларига танитишнинг муҳимлигини ("истиқлол ва она тилимиз"), давлат тилида иш ҳужжатларини юритиш қонунни бажаришдаги асосий масалалардан бири эканлигини ("Қонун ва ижро") алоҳида таъкидлайди.

Китобнинг иккинчи боби "Нотиқлик санъати" деб номланган. Номидан ҳам кўриниб турибдики, бобда миллий қадриятларимиз - воизлик, сухандонлик санъати, уларнинг талаблари, муаммолари хусусида сўз юритилган. Олим фақатгина нотиқлик, воизлик санъати, суҳбат одоби хусусида сўз юритмай, ёзма нутқ маданияти ҳақида ҳам тўхталиб ўтган. "Иншо - тафаккур мезони" сарлавҳали қисмда Н.Жумахўжа "Нутқни ёзма равишда баён этмоқ... нотиқлик санъатининг бир қирраси санъат ичра санъатидир", дейди. Ёзма нутқнинг қулайликлари, имкониятлари, уни ривожлантиришнинг зарурлиги борасида мантиқий далиллар келтиради.

Ёзма нутқ билан шуғулланмаган нотиқ нутқининг ривожи суст, сайқал топиши қийин кечишини таъкидлайди.

"Матн - сўз хазинаси" деб номланган учинчи бобда, асосан, матншунослик муаммолари, амалга оширилиши зарур бўлган ишлар ҳақида баҳс юритилади. Жумладан, Алишер Навоий тахаллусининг "Навоий" эмас, "Навойи" тарзида ёзилиши лозимлиги мисоллар билан исботлаб берилган.

Шу билан бирга, чоп этилаётган асарларда, классик шоирлар сайланмаларида лоқайдлик, назоратсизлик, ҳафсала билан таҳрир қилинмаганлиги туфайли хатоларнинг кўп ўтаётганлиги, оқибатда, нашр этилган асарлар нотўғри талқинларга, тушунмовчиликларга олиб келишга сабаб бўлаётганидан куюнади. "Кўпдан буён матншунослик ҳайъати тузилишини орзу қиламиз. Классик матнга оид имло қоидаларини мана шу матншунослик ҳайъати имло ҳайъати билан биргаликда яратиши лозим" деган ўринли таклифни илгари суради. Муаллиф "Матн ва масъулият", "Матнчилик - қилни қирқ ёриш санъати", "Имло ва маданий мерос", "Баҳсдан мақсад - ҳақиқат" сарлавҳали қисмларда ҳам матншуносликда йўлга қўйиш зарур бўлган ишлар ҳақида сўз юритиш билан бирга, мумтоз шеърларни талқин ва таҳлил қилиш санъатининг ёрқин намуналарини келтириб ўтган.

Н.Жумахўжанинг "Истиқлол ва она тилимиз" китоби Давлат ва жамият қурилиши академияси томонидан нашрга тавсия этилиб, унга профессор Нажмиддин Комилов муҳаррирлик қилган.

Мақоламизни муаллифнинг қуйидаги сўзлари билан якунламоқчимиз: "Буюк келажак яратаётган эл мақомининг юксалиши она тили мақомини ҳам юксалтиражак".

Суратқаш: Қатира Нурбаева

ОВУЛИНГНИНГ ОЛОВИСАН!..

Бўйқизгина, кун нурида чувоқлайсан,
Бу ҳуснингда офтобни ҳам сувоқлайсан.
Кулгуларинг - чўчиб учган каптарларга
Сочиш учун юракларни увоқлайсан.

Куртаклардан, боғдан яшил бод келади,
Боғ ортидан, бод қаъридан дод келади.

Товонингни қитиғлайди ғўра майса,
Сочларингга рўмол-пўмол ўрамайсан.
Чорбоғингнинг дарчасидан ташқарига
Мўралайсан, энангдан ҳам сўрамайсан.

Ташқарида дупур-дупур от келади,
Ўзингни ол, от ўйнатиб ёт келади.

Овулингнинг оловисан - овунасан,
Қачон бедард шўхликлардан совунасан?
Токай тунлар вужудингга соғинчлармас,
Фақатгина чарчоқларни ёвунасан?

Деразангни чертиб-чертиб бодлар келар,
Улув тортиб, бод қаърида додлар келар.

Тонгда додлар паст келганда наволардан,
Симириб қол таниш ҳиддан, ҳаволардан.
Уткан-кеткан бош суқади уйларингга
Тотиш учун тўйга келган ҳалволардан.

Ташқарида дупур-дупур отлар келар,
Чиқиб юрма, от ўйнатиб ётлар келар.

Икром ИСКАНДАР

СОВРИНЛИ БОШҚОТИРМА

Соврин ҳомийси — Самарқанд шаҳридаги "Самарқанд" МЧЖ универмаги



ЭНГА: 7.Республикамиздаги кўҳна шаҳарлардан бири. 9.Афсус, аттанг. 11.Намуна, ўрнак. 13. Бахтли маъносини берувчи эркаклар исми. 16. ... курак. 17.Темирга ишлов берувчи одам. 18.Ой номи. 23.Кавказда вино сақлаш учун ишлатиладиган асосий идишлардан бири. 24.Бойлик сўзининг синоними. 25.Илгари, аввал, қадим. 28.Хизматкор, чўри. 29."Бор" сўзининг тожикча ўгирмаси. 31.Иссиқлик ўлчов бирлиги. 35.Самарқанд шаҳридаги туман. 36.Республикамиздаги тарихий обида. 38.Ўрта Осиёдаги денгиз. 39.Машхур чанқоқбосди ичимлик олинадиган дарахт. 40.Амир Темур туғилган жой. 45.Шахмат доскасидаги ҳолат. 47.Араб алифбосидаги ҳарф номи. 48.Самолёт маркаси. 49.Йиртқич ҳайвон. 50.Базмларда дастурхонга тортиладиган ширинлик, таом. 51.Юлдуз маъносини берувчи тожикча исм.

БЎЙИГА: 1.Самарқанддаги тарихий мажмуа. 2.Қизлар исми. 3.Оқ қўйним аломат, отини қўйдим ... 4.Зеб-зийнат буюмлари ишлаб чиқаришда ишлатиладиган донгдор, қимматбаҳо тош. 5."Калит" сўзининг турк тилидаги номи. 6.Самарқанд вилоятидаги туман. 8.XVII асрда яшаган ўзбек мумтоз шоири. 10.Буюк соҳибқирон. 12.Қизиганда кучли меҳнат қилинганда тананинг нафас тешикларидан чиқадиган суюқлик. 13.Инсон қорнининг Самарқанд шевасида номланиши. 15.Салқин ичимлик. 19.Дуккакли ўсимлик тури. 20.Ландовур, ялқов. 21.Ҳаж сафаридан олдинги зиёрат. 22.Она қушиғи. 26.Христианликдаги диний атама. 27.Касал, бемор. 28.Қашқадарё вилоятидаги шаҳар. 30.Эркаклар исми. 32.Африка қитъасидаги давлат. 33.Озиқ-овқат, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сақланадиган жой. 34.Озгина, камгина, жичча. 37.От анжоми. 41.Вақт ўлчови. 42.Нота чизиғининг ёзуви. 43.Дурадгорлик асбоби. 44.Шарм. ҳаё, иффат. 45.Рангли метал. 46.Ипак қурти учун экиладиган дарахт. 48.Уй ҳайвони.

Тузувчи: Н.ИСМОИЛОВ

СОВРИНЛАР ЭНГ ТЎҒРИ ВА ЭНГ ТЕЗ КЕЛГАН ЖАВОБЛАР ЭГАЛАРИГА БЕРИЛАДИ.

ОВОЗА

"Ҳуррият" газетаси таҳририяти энг яхши "Овоза"чига "Tico" автомобили совға қилмоқчи.

Хурматли Ёдгор Норменглиевич!

Сизни қўшалоқ байрам - 38 баҳорни қаршилаётганингиз билан чин дилдан муборакбод этамиз. Умрингиз узоқ, янада сермазмун бўлишини, кунларингиз доимо шоду хуррамликка, бахту саодатга тўлишини тилаб қоламиз. Бу кун сизга доимо кулгу ва хурсандчилик олиб келсин.

Ака-укаларингиз

ХАЛҚАРО АНЖУМАН

Хабар

"Экосан" халқаро жамғармаси Ўзбекистон Республикаси "Бизнес-Фонди" ҳамда "Экосан" Тошкент клуби билан биргаликда "Бизнес ва экология: хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантиришдаги халқаро тажриба" мавзуида халқаро семинар ўтказди. Ўтказилган анжуманда вазирликлар, марказий ва миллий банк, давлат мулки ҳамда солиқ қўмитаси раҳбарлари, Жаҳон банки, Европа ва қайта қуриш тараққиёт банки, элчихоналар ва дипломатик корпус раҳбарлари ҳамда кичик ва ўрта бизнес ташкилотчилари қатнашдилар.

Семинарда мамлакатимизда ва хорижда хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишларига тааллуқли масалалар, маҳаллий ва хорижий тадбиркорларнинг имкониятларини мавжуд ижтимоий экологик муаммоларга қаратиш, экологик тоза маҳсулотларни яратишга йўналтирилган инвестицион лойиҳа ва дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда ривожлантириш асосида мамлакатимиз ва Марказий Осиё минтақаси бўйлаб атроф муҳитнинг мусаффолигини таъминлаш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

Шу куни "Экосан" жамғармаси томонидан мамлакатимиздаги мавжуд экологик муаммоларни бартараф этиш учун умумий ҳажми 6 миллион сўм бўлган: Қорақалпоғистон республикасига 2 млн 860 минг сўмлик,Хоразм вилоятига 620 минг сўмлик, Сурхондарё, Андижон, Фарғона, Наманган, Тошкент, Навоий ва Бухоро вилоятларига 2 млн 520 сўмлик ёрдам маблағи ажратилди.

Ўтказилган ушбу семинарда етук мутахассисларнинг чиқишлари бизнеснинг экологияга кириб бориши барқарор тараққиётнинг муҳим омили эканлигини кўрсатди.

К.АЛИОХУНОВ